Buyuk kelajagimiz bugundan boshlanadi

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz | 2019-YIL 27-IYUN, PAYSHANBA, 25 (815)-SON | web sayt: www.21asr.uz

Муносабат

Сайлов кодекси кучга кирди

Сир эмас, эркин, шаффоф ва очиқ сайлов тизими ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан саналади. Негаки, айнан сайловлар орқали фуқаролар давлат ва жамият бошқарувида бевосита қатнашади. Шу боис, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи фуқаронинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан саналади.

Фуқаролар сайлов ҳуқуқини таъминлаш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам муҳим вазифалар сифатида қаралиб, Президентимиз томонидан 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси тилга олинганди. Ўтган давр мобайнида Сайлов кодекси лойиҳасини ҳар томонлама такомиллаштириш борасида қизғин ва фаол иш олиб борилди. Зотан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади".

Хусусан, Сайлов кодекси лойиҳаси устида ишлаш жараёнида 20 дан ортиқ хорижий мамлакатнинг ушбу соҳадаги амалий тажрибаси пухта ўрганилди. Лойиҳа жамоатчилик, экспертлар, илмий доиралар, амалиётчилар, мутахассислар ҳамда халқаро ташкилотлар экспертизасидан ўтказилди. ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси, Венеция комиссияси, МДҲ Ижроия қўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотларнинг хулоса ва фикрлари олинди ва якунда 18 боб, 100 моддадан иборат сайлов кодекси қабул қилинди.

Мазкур муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши сиёсий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ва амалиётининг ҳозирги ҳолати билан бевосита боғликдир. Яъни, бугунгача бу борада қабул қилинган қонунлар ва бир қатор қонуности ҳужжатлари яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган эди. Бугунгача мамлакатимиз сайлов қонунчилиги 5 та қонун билан тартибга солиниб, бу эса ҳуқуқни қўллашда бир қатор мураккабликлар туғдираётганди. Бошқача айтсак, сайловларга доир ана шу бешта қонуннинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ деярли бир хил нормалар такрорланган. Бундан ташқари, сайлов жараёни ва уни ўтказиш тартиб-тамойиллари ва қоидаларининг кўпчилиги қонун даражасида эмас, балки Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари билан тартибга солинарди. Ўз-ўзидан аёнки, бу қонунлар тўғридан-тўғри ижро этиладиган бўлиши керак, деган муҳим талабга зиддир. Сайлов кодексининг кучга кирганлиги сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ягона кодекс сифатида тизимлаштириш, бирхиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу Сайлов кодексида катта ижтимоий хавфи бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловда иштирок этиши бўйича чекловлар олиб ташланди. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига номзодлар кўрсатиш тартиби бекор қилинмоқда. Шу тариқа сиёсий партиялар айни йўналиш бўйича номзодлар кўрсатишда мутлақ ҳуқуққа эга бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати амал қилиши тартиби қонунчилик даражасида тартибга солинмоқда, бу сайловчини "битта сайловчи – битта овоз" принципи бўйича фақат битта сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби татбиқ этилишини таъминлайди. Қолаверса, сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхатини жорий қилиш қоидалари қонун билан тартибга солинади, ягона ҳужжатни жорий қилиш орқали "Сайлов варақаси" деган тушунча бекор қилиниб, сайлов бюллетенида муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз беришда асосий ҳужжат сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Шунингдек, кодексда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, ташкилотлар томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби белгиланди. Номзодлар туман, шаҳар кенгашлари мажлисларида муҳокама этилади ва округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия қилинади.

Масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳати, сайлов комиссияси аъзоларига қўйиладиган талаблар мустаҳкамланмоқда. Хоссатан, 21 ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар сайлов комиссияларининг аъзолари бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Бунда сайлов комиссияси аъзолари бошқа сайлов комиссияси, сиёсий партиялар аъзолари бўлиши мумкин эмас. Ҳокимлар, прокуратура органлари, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, номзодларга бевосита бўйсунадиган шахслар сайлов комиссиялари таркибида бўлишига йўл қўйилмайди.

Бир сўз билан айтганда, пишиқ ва пухта қарорлар асосида қабул қилинган Сайлов кодексига киритилган янги нормалар демократик принцип ва халқаро қоидаларга тўла мувофиқ бўлиб, бугунги замон талабларига мос ва хос бўлган сайлов тизимининг вужудга келишига замин яратади.

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Муаммо

Журналистнинг нонини кимлар "туя" қиляпти?

Бугунги байрам – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунида анча вақтдан бери ўзимизни қийнаб келаётган муаммони кўтариш биз учун сал ноқулайроқ туюляпти. Лекин на илож, мажбурмиз. Ишонсангиз, сал кам бир йил, олти ойдан бери таҳририят билан газетамизни ҳудудлардаги ўқувчиларимизга етказиб бериш, асосийси, обуна қилишга масъулликни зиммасига олган (қонуний тарзда шартнома тузган-да) айрим МЧЖ ёки ҳуқуқий мақоми турлича бўлган ташкилотлардан ўзимизга тегишли ҳаппа-ҳалол ҳақимизни ололмай оворай сарсонмиз.

Эътибор беринг: кам эмас ахир, бугунги кунда ***144 353 340 сўм*** маблағимизни (икки ўртада тузилган шартномага кўра умумий сумманинг 70 фоизи аллақачон ўтказилиши керак эди) ***"Ўзбекистон почтаси" АЖ матбуот тарқатиш филиали*** турли хил баҳоналари рўкач қилиб, ҳалигача ўтказиб бергани йўқ. Ваҳоланки, мазкур идорага кимсан Россия федерациясидан тажрибали мутахассис раҳбар этиб тайинланганига ҳам анча бўлди, лекин аҳвол эскича. Қилинаётган мурожаатлар жавобсиз қолаётир.

Рўйхатни давом эттиришга мажбурмиз: **"Матбуот тарқатувчи" АК – 29 883 650, "Матбуот даврий нашрлари" МЧЖ – 15 091 260, "Қарши матбуот тарқатувчи" МЧЖ – 9 852 300, "Самарқанд зиё тарқатувчи" МЧЖ 8 142 750, "Matbuot servis" МЧЖ – 6 373 350, "Махсус матбуот маскани" МЧЖ – 5 046 400, "Даврий зиё нашрлар" МЧЖ 4 821 375 сўм...** Бу каби ваъдаси қуруқ ташкилотлар ҳисобида неча юз миллионлаб маблағимиз "музлаб" ётибди. Қанча хат-мурожаатлар ёзилди, айримлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорлари ҳам қабул қилинди. Лекин "ўламан саттор, ҳозирча пулимиз йўқ, банкротмиз!" дейишдан ҳам қайтмайдиган бунақа МЧЖларнинг турли-туман важ-корсонлари ҳали-вери тугамайди.

Биз нима қилайлик, таҳририятларнинг молиявий аҳволи аввалгидек эмаслиги ҳаммамизга аён. Аммо томошабинлик қилиб ўтириш вақти ҳам ўтди. Шу кунгача бизга минг хил баҳоналарни рўкач қилаётганлар бир оддий ҳақиқатни билиб қўйсинлар: қонун олдида ҳаммамиз жавобгармиз!

ТАҲРИРИЯТ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

O'zLiDeP ташаббуси

Халқ билан мулоқот узлуксиз давом этаверади

Кейинги йилларда партиямиз фаолиятида шаклланган ўзига хос иш услубларидан бири – ҳудудларда уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб, одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, уларнинг яшаш шароити, турмуш тарзидан келиб чиқиб, бевосита ўзлари билан бамаслаҳат маъжуд муаммоларни ҳал қилиш, қисқача айтганда, аҳоли дардига дармон бўлишга интилишдан иборат.

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 17-21 июнь кунлари O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг ҳудудий ташкилотлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш учун яна ҳудудларга чиқишди. Навбатдаги учрашувлар жараёнида "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурлари доирасида ҳар бир туман ва шаҳарда 400 тадан хонадонга кириб борилди. Ишчи гуруҳ аъзолари аниқланган муаммоларни чуқур ўрганиб, туман ва вилоят даражасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирокида керакли чораларни кўрдилар. Ўрганишлар давомида ҳар бир туман, шаҳарда 20 тадан корхона ва ташкилотга кириб борилди. Бунда асосий эътибор бўш турган бинолар, хусусий тиббиёт объектлари, маҳаллий хомашёни қайта ишлайдиган корхоналар, умуман, муаммоли тадбиркорлик субъектларига қаратилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан маҳаллий кенгаш депутатларига бириктирилган инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, бу жараёнда депутатлар томонидан амалга оширилган ишларга холисона баҳо берилди. Президентимизнинг вилоятларга ташрифи чоғида белгилаб берилган устивор вазифалар ижроси ҳамда ёшлар сиёсатига доир 5 та муҳим ташаббуснинг ҳудудлардаги амалиётга татбиқи юзасидан депутатлик назоратини юритиш ҳолати таҳлилий-танқидий нуқтаи назардан сарҳисоб қилинди. Камчиликларни бартараф этиш масалаларини ўз ичига олган аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Минг марта эшитган бефойда

Одамлар билан яқиндан мулоқотда бўлмасдан туриб, фақат қоғозларда қайд этилган маълумотлар билангина жойларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга, мавжуд муаммоларга, кенг жамоатчилик ўй-фикрларига, энг муҳими, аҳоли кайфиятига баҳо бериб бўлмайди.

Жиззах вилоятида ишчи гуруҳ 5200 дан ортиқ хонадон эгалари билан мулоқотда бўлди. Суҳбатлар давомида аҳоли томонидан 580 дан ортиқ турли йўналишдаги масалалар тилга олинди. Шундан 74 таси жойида ҳал қилинди. Беихтиёр ўйга толасан киши. Ахир, одамлар билан юзма-юз гаплашиш, муаммоларини ўрганиш, ечимини топиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга яқиндан кўмакдош бўлиш жойлардаги секторлар, "Халқ қабулхоналари" ҳамда мутасадди ташкилотларнинг энг муҳим вазифаларидан саналади-ку. Улар зиммасидаги вазифаларни бажармаяпти, деган фикрдан йироқмиз. Бироқ, афсуски, ҳамон жойларда ечимини кутаётган муаммолар бисёр. Масалан, биргина Зарбдор туманидаги мулоқотлар давомида одамлар томонидан газ, электр, ичимлик суви таъминоти бўйича 78 та, йўллар таъмири бўйича 2 та, соғлиқни сақлаш тизими бўйича 4 та, банк кредитлари бўйича 2 та, кадастр масалалари бўйича 6 та, моддий ёрдам бўйича 6 та муаммо кўтарилди. Кўпгина ҳолларда мутасадди ташкилотлар бу муаммолардан бохабарлиги, аксарияти ҳал қилинаётгани ёки келгусидаги дастурларга киритилгани ҳам маълум бўляпти.

Эътибор берганмисиз, ҳар қандай хайрли ташаббус халқ кўнглидан жой олса, орзу-интилишлари билан ҳамоҳанг бўлса, тез орада анъанага айланиб, бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёзади. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг кун сайин оммалашиб бораётганига асл сабаб ҳам шунда. Ишчи гуруҳ аъзолари шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар билан танишиш жараёнида кўплаб ёш маслакдошларимиз нафақат амалга оширилган ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар, балки янги таклифларни ҳам ўртага ташладилар. Жумладан, йигит-қизларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида республика даражасида ташкил этиладиган танловлар сонини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди. Ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароит яратиш мақсадида жамғарма ташкил этиш ва жамғарма ҳисобидан ёшлар учун спорт майдончалари қуриш ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш таклифи илгари сурилди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш мақсадида жамғарма очиш ҳамда жамғарма ҳисобидан ҳар бир туманда кечаю кундуз фаолият юритадиган иккитадан кутубхона ташкил этиш ғояси ҳам кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланяпти.

Ишчи гуруҳ аҳоли муаммоларини ўрганиш билан бирга туман ва шаҳарлардаги 260 та корхона ва ташкилот фаолияти билан танишди. 2019 йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номланиши муносабати билан O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ҳудудларда амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиб, ҳаётга татбиқ қилинишига кўмаклашиш учун 24 нафар вилоят Кенгаши депутати ҳамда 115 нафар туман (шаҳар) Кенгаши депутати лойиҳаларга бириктирилганди. 2019 йил 1 июнь кунига қадар бажарилган ишлар ўрганилди. Жиззах вилоятида 2019-2020 йилларда амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳалари жами 660 тани ташкил этиши, шундан 88 таси ишга тушгани, 2 та лойиҳа истиқболсиз деб топилгани, қолганлари эса муддат якунига қадар бажарилиши маълум бўлди. Инвестиция лойиҳалари ижроси юзасидан депутатлик назоратини янада кучайтиришга келишиб олинди.

2

Бошланиши 1-саҳифада.

Амалий ёрдам ишончни оширади

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия Қашқадарё вилоят, туман, шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, депутатлардан ташкил топган ишчи гуруҳ аъзолари вилоятдаги 6 минг хонадонда бўлиб, аҳолининг яшаш шароити, тадбиркор ва фермерларнинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Аҳоли, хусусан, тадбиркор ва фермерларни қийнаб келаётган 100 дан ортиқ муаммо жойида бартараф этилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда 20 тадан корхона, ташкилот, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар ҳамда қонунбузилишлар тўғрисида мутасадди идораларга депутатлик сўровлари киритилди. Қамаши туманида, мана, уч йилдирки, туризмни ривожлантириш борасида ижобий ишлар кўзга ташланмоқда. Ҳудудда кўплаб муқаддас қадамжолар, сўлим масканлар бор. "Бинокор" хусусий корхонаси томонидан Лангар ота зиёратгоҳи яқинидаги 2 гектар майдонда сўлим боғ ва 24 ўринли меҳмонхона барпо қилиняпти. Бироқ меҳмонхонани жаҳон стандартлари даражасида қуриш ва жиҳозлаш учун тадбиркор маблағ масаласида қийналаётган экан. Партиямиз вакиллари унга молиявий ресурслар ажратилишида кўмак беришди.

Халқ билан мулоқот узлуксиз давом этаверади

Маҳматқобил Норқобилов сув ваннапари учун мосламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида замонавий гидромассаж ванналар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағидан ташқари банкдан 500 миллион сўм кредит олишни мўлжаллаяпти. Тадбиркор баъзи муаммоларни ҳам тилга олди. Иш фаолиятини бошлаганига уч йил бўлса-да, ҳамон ижарада ишлаётган экан. Ишчи гуруҳи кўмагида туманда бўш турган бино унга ноль қийматда бериладиган бўлди.

Алишер Алибоев 30 сотих майдонда ёшлар, асосан абитуриентлар учун 3 қаватли инновацион марказ барпо этяпти. Қурилиш ишлари якунланган, аммо бинони замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун тадбиркорнинг маблағи етмаётган экан. Мини ўйингоҳлар, фитнес заллари, компьютер хоналари ва бошқаларни ташкил этиш учун 1 миллиард сўм сармоя зарур. Ишбилармонга ана шунча миқдордаги кредит ажратилишига ишчи гуруҳ ёрдамлашди.

Нишон туманидаги "Пахтазор", "Ойдин" ва "Наврўз" МФЙ ҳудудидаги қишлоқлар аҳолиси билан ишчи гуруҳи аъзоларининг жонли мулоқоти савол-жавобларга бой бўлди. Одамларни ташвишлантираётган 59 та долзарб масала юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, мутасаддиларга сўровномалар юборилгани ҳам эътиборга молик. Аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш депутатлик назоратига олиниб, 14 хонадонга янги газ баллонлари тарқатилди.

Чироқчи туманининг "Олмазор", "Ҳумо" маҳалла фуқаролар йиғинларида уюштирилган суҳбатларда одамлар томонидан асосан ишсизлик муаммоси тилга олинди. Аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасини ошириш учун томорқадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, лалми деҳқончиликка асосланган деҳқон ва фермер хўжаликларига қўшимча ер ва кредитлар ажратиш лозим, деган хулосага келди. Бу борада мутасаддилар билан аҳолининг мулоқоти ташкил этилди.

– Қишлоғимизда O'zLiDeP депутатлари ташаббуси билан ўтган йили 3 та артезиан қудуғи ишга туширилиб, деҳқонлар учун қулайлик яратилган эди, – дейди Ғузор туманидаги Ярғунчи қишлоғида яшовчи Музаффар Абдусатторов. – Қишлоққа сув келгач, одамлар томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиб, яхшигина даромад қила бошлаганди. Аммо бу йил артезианлар тўсатдан ишламай қолди. Биттасини партия ишчи гуруҳи кўмаги ва депутатлар ҳомийлигида ишга туширдик. Қолганларини ҳам созлаш юзасидан ҳаракат бошланди.

Сафдошларимиз Шаҳрисабз шаҳридаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурларига киритилган "Тепарлик", "Дўстлик", "Кушхона" маҳаллаларидаги 400 дан ортиқ хонадон соҳиблари билан ҳам суҳбатлашди. Мулоқотлар асносида ечимини кутаётган талайгина муаммолар борлиги аниқланди. Ичимлик суви ва табиий газ таъминоти, йўлларни таъмирлашга доир масалалар юзасидан депутатлик сўровлари юборилди.

Шаҳрисабз туманининг "Пахтазор", "Ойдин" ҳамда "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли билан мулоқотларда ҳам талай муаммолар кўтарилди. Уларни ҳал қилиш бўйича Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун мутасаддилар билан касаначилик, тикувчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Туризм тараққиётига туртки берувчи лойиҳалар кўриб чиқилди, жумладан, табиат қўйнида меҳмонхоналар ва оромгоҳлар қурилишига халал бераётган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича ишлар бошланди.

Қамашидаги "Азза парранда" корхонасида етиштирилган гўшт маҳсулотлари совуткич йўқлиги боис Самарқанддаги музхоналарда сақланяпти. Бу эса турли қийинчиликларни келтириб чиқаряпти. "Ғузор эшиклари" хусусий корхонаси раҳбарининг айтишича, ишлаб чиқарилаётган эшиклар учун харидор йўқ. Ваҳоланки, вилоятдаги корхона ва ташкилотлар қурилаётган барча бинолар учун эшикларни Тошкентдан келтиришяпти. Нишон тўқимачилик фабрикаси тўхтаб қолган, қайтадан ишга тушириш зарур. Шу сингари ўнлаб йирик муаммолар ишчи гуруҳи назоратига олиниб, мақбул ечимлар топишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш режаси тузилди.

Муаммо кўп, ечим ҳам кам эмас

Самарқанд вилоятида ишчи гуруҳ томонидан партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти танқидий йўсинда кўриб чиқилди. Партия маҳаллий кенгашларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш, аъзолар сафини кенгайтириш, бошланғич ташкилотларни кўпайтириш ва тарғибот материаллари билан таъминлаш, O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш борасида қилинаётган ишлар атрофлича ўрганилди. Шу масалаларга бағишланган йиғилишлар ўтказилиб, партия фаолларининг таклифлари асосида бажарилиши зарур вазифалар белгилаб олинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари вилоятдаги энг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли хонадонларига ҳам кириб борди. Хусусан, партиямиз вакиллари Ургут эркин иқтисодий зонасига ташриф буюрди. Директор ўринбосари Абдуғаффор Мадаров сафдошларимиз билан суҳбатда Сариқтепа ЭИЗга олиб борувчи йўл нобоп ҳолатда экани, чала қурилган заводларнинг кадастри, шунингдек, ичимлик суви билан боғлиқ масалалар тадбиркорларнинг тўлақонли фаолиятига халақит бераётганини таъкидлади.

– Албатта, бу муаммолар бир кунда ҳал бўлмайди. Бирлашган ўзар деганларидек, мавжуд камчиликларни ҳамжиҳатликда ҳал эта оламиз, – дейди А. Мадаров. – Шу боис O'zLiDeP ишчи гуруҳи аъзолари билан доимий мулоқотда бўлиб туришга келишиб олдик. Кези келганда яна бир гап. Ургут ЭИЗга темир йўл олиб келинса, ҳудуддаги кўплаб тадбиркорларнинг оғири енгил, узоғи яқин бўларди. Нега деганда, темир йўл тадбиркор учун хавфсиз, арзон ва қулай транспорт ҳисобланади. Ушбу масала бўйича мутасадди идораларга таклифларимизни тайёрлаб, ишчи гуруҳга тақдим этдик.

Республика даражасидаги ташкилотларга партиямизнинг парламентдаги депутатлари томонидан мазкур муаммо юзасидан сўров киритиш белгиланди.

Жомбой туманидаги "Эски Жомбой" маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ногирони Жаҳонгир Жабборов ногиронлик аравачаси олишда амалий ёрдам сўради. Унинг таъкидлашича, туман ҳокимлигига мурожаат қилган, аммо ҳалигача натижа йўқ. Туман ҳокимлиги Ж. Жабборов навбатда турган, шу йилнинг 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан аравача топширилиши режалаштирилганини ишчи гуруҳга маълум қилди. Ушбу масала депутатлик назоратига олинди.

Каттақўрғон туманидаги "Шербек мустаҳкам бетон" МЧЖ раҳбари Ш. Ўктамов ишчи гуруҳга корхона билан боғлиқ муҳим масалада мурожаат қилди. Маълум бўлишича, туманда бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона мавжуд эмас. Бундай маҳсулотлар Самарқанд шаҳридан ёки Навоийдан келтириляпти. Мазкур корхона Россиядан бир суткада 600 м3 бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускунани олиб келиб ўрнатиш бўйича шартнома тузган. Лекин заводни тўла ишга тушириш учун қўшимча 700 минг АҚШ доллари талаб этилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 23 май куни қабул қилинган "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларга 6 та йўналишда имтиёзли кредит ажратиш белгиланган. Корхона раҳбари ушбу имтиёзли кредитни олишда кўмак сўради. Ишчи гуруҳ аъзолари масалани атрофлича ўрганиб, ҳужжатларни парламент қуйи палатасидаги O'zLiDeP фракциясига тақдим этди.

Ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятининг 36 та МФЙ ҳудудидаги 6 578 та хонадонга кириб борди ва аҳоли муаммоларини ўрганди. Ҳозирда мазкур масалалар умумлаштирилиб, уларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Партиямиз вакиллари 304 та корхона ва ташкилотларда ҳам бўлиб, 47 та муаммони аниқладилар. Ушбу масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари жўнатилди.

Инсон манфаатларидан муҳимроқ масала йўқ

– Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган бугунги сиёсатда халқ билан яқин мулоқотда бўлиш, одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, муаммоларига ечим излаш устувор аҳамият касб этяпти, – дейди O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, пойтахтимизда фаолият олиб борган партия ишчи гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаров. – Ўз-ўзидан аёнки, айниқса, сиёсий партиялар мазкур масалага жуда катта эътибор қаратиши лозим. Одамлар билан ишлаш механизмини самарали йўлга қўя олган партиягина жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, таъсир кучи ошади. Шу боис партиямиз нафақат ўз электорати, балки кўмакка муҳтож барча фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш учун бутун салоҳиятини ишга соляпти. Натижада бизни қўллаб-қувватловчилар, дастурий ғоя ва мақсадларимизга хайрихоҳлик билдираётганлар тобора кўпаймоқда.

Дарҳақиқат, ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган ўрганишлар жойларда ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўплигини кўрсатди. Танаси бошқа дард билмас, деганларидек, айрим мутасадди раҳбарларнинг ўз вазифасига лоқайдлик, масъулиятсизлик билан ёндашаётгани ҳам кўзга ташланди. Зеро, талай шикоятларнинг маҳалла, туман миқёсида ҳал қилиниши имкони мавжуд. Масалан, пойтахтимизнинг "Ёшлик шаҳарчаси"даги А. Хўжаева кўчаси 2-уй 6-хонадонида яшовчи Зулфия Жалолова лифтнинг тез-тез бузилиши оқибатида, айниқса, кексалар ва ногиронлар қийналаётганини маълум қилди. Ҳолбуки, тегишли тўловларнинг барчаси ўз вақтида тўланмоқда. Ишчи гуруҳ аъзолари саъй-ҳаракатлари натижасида бу камчилик тезда бартараф этилди.

Шаҳарчадаги "Хислат", "Шифокорлар", "Беруний" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 60 дан зиёд хонадон эгалари билан юзма-юз мулоқот ўтказилди, аниқланган муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, ечимини топиш борасида изланишлар олиб борилди.

Яккасарой туманидаги "Шоҳжаҳон" ва "Ракат" маҳаллаларида бўлиб ўтган учрашувларда жадал амалга оширилаётган ислоҳотлар, "Yoshlar – kelajagimiz" ҳамда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурлари доирасида ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга, оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилиши, янги иш ўринлари яратиш борасидаги имкониятлар хусусида маълумот берилди. Расмиятчиликлардан холи тарзда ўтказилган мулоқотда фуқаролар ўзларини ўйлантираётган муаммоларни ҳам баён қилишди.

Нигора Авулова кўп йиллардан буён беш фарзанди билан бир хонали уйда яшайди. Албатта, кенг-мўл уйга кўчиб ўтишни жуда хоҳлайди. Аммо бу истак ушалмас орзу бўлиб қоляпти. Ишчи гуруҳ ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитасига бу оилага кўп хонали уй ажратиш юзасидан тавсиянома йўлланди.

Татьяна Троценко ёлғиз яшайди, имконияти чекланган – юра олмайди. Шундай бўлса-да, негадир шу пайтгача унга нафақа белгиланмаган экан. Партиямиз ишчи гуруҳи аралашгач, қарияга ногиронлик аравачаси берилди, шунингдек, туман пенсия жамғармаси томонидан нафақа тайинланди.

Шайхонтоҳур туманида ҳам ишчи гуруҳ аъзолари меҳнат муносабатлари ва ишга жойлашиш, банк-молия, солиққа тортиш ва коммунал соҳа билан боғлиқ муаммолар ечими бўйича тизимли иш олиб боришди. "Чорсу", "Қоратош", "Белтепа" маҳаллалари асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Шу боисдан бўлса керак, одамлар кўпроқ коммунал соҳага алоқадор масалалардан сўз очишди. Куз-қиш мавсумида иситиш тизимларининг яхши ишламаслиги, лифтларнинг доимо носозлиги, уй ертўлаларида сув тўпланиши сингари камчилик-нуқсонлар тилга олинди. Бу масалалар "Чорсу коммуналчи" ва "Қоратош коммуналчи" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Абдумурод Сафаров иштирокида муҳокама қилиниб, тезда ечим топиш юзасидан ишлар бошланди.

Олмазор туманидаги "Истиқбол" маҳалласида икки йил аввал сартарошхона, новвойхона, турли устахоналар, савдо дўконлари ва идорани ўз ичига олган гузар қурилиши бошланган, маҳалла аҳли бундан севинган эди. Лекин тадбиркор ваъдасида турмади – гузар ўрнига бир неча қаватли уй тиклана бошлади. Одамларнинг эътирозлари туфайли қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилганди. Ишчи гуруҳ мазкур масалага ойдинлик киритиш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қилди, айни кунларда махсус комиссия иш олиб бормоқда.

Газетанинг вилоят мухбирлари ва партия ҳудудий ташкилотлари матбуот хизматлари хабарлари асосида тайёрланди.

Муносабат

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ:

фаолият сустлигининг сабаблари таҳлил қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP ва "Миллий тикланиш" ДП фракциялари аъзоларидан иборат Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар атрофлича кўриб чиқилди.

Депутатлар алоҳида таъкидлаганидек, дунё шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда олдимизга қўйилган марраларга эришиш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Жадал олиб борилаётган ислоҳотлар асосан аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Давлатимиз раҳбарининг тарихий нутқи нафақат Олий Мажлис Сенати аъзолари, балки Қонунчилик палатаси депутатлари фаолиятига ҳам бевосита тегишли бўлиб, бундан биз тўғри хулоса чиқаришимиз лозим, – деди **парламент қуйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шуҳрат Шарафутдинов.** – Хусусан, сўнгги олти ой мобайнида депутатларнинг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида атиги 9 та қонун киритилгани, шундан учтасигина сиёсий партиялар фракциялари томонидан тайёрлангани фаолиятимиз анча сустлигини билдиради. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг 80-90 фоизи депутатлар томонидан қайта ишланаётгани ачинарли ҳол. Сабаби, ўша қонун лойиҳаларида тўғридан-тўғри амал қилиш механизми мавжуд эмас, улар қонунчилик, юридик техника ва бугунги ислоҳотлар талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, қонун лойиҳаларини киритаётган вазирлик, давлат қўмиталари ва бошқа идоралар юридик бошқармалари кадрларида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, унинг ҳар бир меъёрини аниқ баён қилиш салоҳияти етишмайди.

Йиғилиш қатнашчилари қонун ижодкорлиги фаолиятида депутатларнинг янада фаолроқ бўлиши билан бир қаторда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда аёллар иштирокини кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам сўз юритишди. Бунда палатанинг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси масъулиятини янада ошириш орқали хотин-қизларни демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлишини таъминлашга эришиш Демократик кучлар блокининг асосий вазифаларидан бири бўлиши кераклиги қайд этилди.

– Юртбошимизнинг парламент юқори палатаси ўтказган назорат-таҳлил тадбирларининг натижадорлиги пастлиги ва уларнинг аксарияти фақат номигагина ташкил этилаётгани тўғрисидаги танқидлари бизнинг фаолиятимизга ҳам тааллуқлидир, – деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Мавлуда Хўжаева.** – Бинобарин, жорий йилнинг биринчи ярмида бу йўналишда сиёсий партиялар фракциялари томонидан муайян масалалар бўйича бор-йўғи 26 та ташаббус билдирилган, Қонунчилик палатаси томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига атиги 4 та парламент сўрови юборилган, 8 та масала юзасидан парламент эшитуви ўтказилган. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан жами 8 та эшитув ўтказилган бўлиб, улардан атиги 6 тасигина муайян қонунлар ижросининг ҳолати юзасидан ташкиллаштирилган. Ушбу рақамлар палатамиз депутатлари томонидан назорат-таҳлил фаолиятда сусткашликка йўл қўйилаётганидан далолат бермоқда.

Президентимиз маърузасида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар изчил олиб борилмаётгани ва улар билан самарали ҳамкорлик ташкил этилмагани қайд этилди. Дарҳақиқат, Қонунчилик палатаси депутатлари округларда сайловчилар билан учрашиб, ҳақиқий аҳволни ўрганишганида маълум бўлдики, халқ депутатлари кенгашлари билан ҳамкорлик алоқалари анча суст. Масалан, сўнгги бир ярим йилда ҳеч қандай тадбир ўтказилмаган. Шунинг учун ҳам депутатлар сайловчилари билан учрашганида у ердаги айни кенгашлар ҳолатини ўрганиб, самарадорликни ошириш юзасидан маслаҳат беришлари зарур. Шундагина юқори турувчи вакиллик органларининг кенгашлар билан самарали ҳамкорликни ташкил этишдаги роли ва масъулияти янада ортади.

Мухтасар қилиб айтганда, юртбошимизнинг юқоридаги нутқида белгиланган вазифалар бажарилишини назорат қилишда Демократик кучлар блоки фаол иштирок этади.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан блокнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

Парламентда

Фракция Молия вазирлигига таклиф киритади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси томонидан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбати соғлиқни сақлаш тизими ривожига тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш масалаларига бағишланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда тиббий хизмат сифати ва даражасини оширишга жиддий эътибор қаратилаётганлиги, соҳанинг ҳуқуқий асослари изчил такомиллаштирилаётгани, аҳолини дори воситалари билан таъминлашга янгича ёндашилаётгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, парламент қуйи палатаси депутатлари томонидан олиб борилган ўрганишлар соҳада ҳамон ўз ечимини кутаётган муаммолар кам эмаслигини кўрсатмоқда.

Масалан, дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар Республика товар-хомашё биржаси орқали харид қилинаётганлиги, аукцион савдоларнинг мураккаблиги туфайли дори-дармонларни харид қилиш ва жойларга етказишда узилишлар рўй бериб, нархлар сунъий равишда кўтарилиши кузатиляпти.

Тиббиёт муассасалари томонидан биржада электрон савдо орқали сотиб олинаётган товарларнинг сифатига кўплаб эътирозлар билдирилиб, бюджет маблағларининг самарасиз сарфланишига сабаб бўлаётир. Ушбу масалада фракция аъзолари Молия вазирлигига аниқ таклиф киритишга келишиб олдилар.

Ҳудудлардаги аҳоли саломатлигини мунтазам назорат қилиш, тез тиббий ёрдам чақирган, стационар шароитда давлат ёки хусусий тиббиёт муассасасида даволанган беморлар соғлигини кейинчалик кузатувга олишда бирламчи тиббий–санитария муассасаларининг ўрни катта. Бироқ амалиётда хусусий тиббиёт муассасалари ва давлат тиббиёт муассасалари ўртасида маълумот алмашинуви йўлга қўйилмаганлиги сабабли хусусий тиббиёт муассасаларида даволанган беморлар саломатлигини кейинчалик кузатувга олиш механизми яратилмаган. Шуни инобатга олган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур йўналишда алоҳида тартиб жорий қилиш мақсадида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши зарурлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида соғлиқни сақлаш соҳасига оид 10 дан зиёд эшитув ўтказилди. Уларда Соғлиқни сақлаш вазири ҳамда барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарларининг ахбороти тингланди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларида жойлардаги соғлиқни сақлашни бошқармалари раҳбарларининг эшитувлари ҳам парламент депутатларининг бевосита иштирокида ташкил этилди.

Шу ўринда Қонунчилик палатаси ҳузуридаги тиббиёт комиссияси томонидан жойлардаги шифокорларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда тегишли таклифлар ишлаб чиқилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Давра суҳбати давомида фракция аъзолари кун тартибидаги масалага O'zLiDeP Сайловолди платформасида назарда тутилган соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, соҳага хусусий капитални жалб қилган ҳолда аҳолига малакали хизмат кўрсатишда рақобат муҳитини яратиш борасидаги устувор вазифалар нуқтаи назаридан ёндашдилар.

Ўз мухбиримиз

Ер тилини топган эл тилини ҳам топади

Газетамизнинг аввалги сонларида маълум қилинганидек, деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқаларига ҳамда бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш ишларини ўрганиш, аниқланган муаммоларни вақтида бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, O'zLiDeP, мутасадди ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини олиб боришмоқда.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон азалдан миришкорлар, толмас деҳқонлар юрти. Унинг заминида унган ҳосилнинг овозаси етти иқлимни тутиши бежиз эмас. Ҳудуд еридан йилига уч мартагача ҳосил олаётганларга эса ҳавас қилса арзийди. Экологияси, иқлими, ер унумдорлиги ҳам ўзига хос.

– Жорий йил ғалла ҳосили учун 2 963 та фермер хўжалигида жами 77 минг гектарда ғалла парвариш қилинди, – дейди **Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Андижон вилоят кенгаши раҳбари Бегали Қодиров.** – Айни кунга қадар ҳудуд жиҳатидан вилоятда биринчи бўлиб чўл зонаси ҳисобланган Улуғнор тумани режани ортиғи билан, яъни 107 фоизга бажарди. Ҳозирда ҳосилдан бўшаган ер майдонларига такрорий экин экиш ишларини назоратга олганмиз.

Балиқчиликлар заминни гуллатяпти

Ишчи гуруҳ бошоқли экиндан бўшаган майдонлар ҳолати билан қизиқди. Ғалласи ўриб олинган 7 046 гектардан 6 888,1 гектар майдонга тўлиқ такрорий экин экилиши режалаштирилган. Тумандаги мавжуд 19 та мавзеда 277 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларга жами 66 нафар иқтисодий ташкилот ходимлари бириктирилган бўлиб, ҳар 4 фермерга 1 нафардан иқтисодчи тўғри келади. Жорий йилда фермер хўжаликлари учун ғалладан бўшаган ерга такрорий экин учун 1 383,1 гектарга сабзавот, картошка 95 гектар, полиз 1 000 гектар, озуқа экинлари 1 100 гектар, шоли 100 гектар, дуккакли экинлар 1 900 гектар, ерёнғоқ 70 гектар, 220 гектарга эса супурги экилиши кўзда тутилган.

Хўш, мазкур рақамларга қай даражада амал қилиняпти? Ишчи гуруҳ ўрганишлари ҳужжатларда келтирилган маълумотларни оқлади. Аҳвол ёмон эмас. Мисолларга юз тутайлик.

Улуғбек массивидаги "Илғор Иброҳим" фермер хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб ғалла ҳосилининг шартномавий режасини ортиғи билан бажарди. Жами 19,5 гектар ер майдонига эга хўжаликда яна иш қизғин. Буғдойдан бўшаган ер аллақачон такрорий экинлар билан чирой очиб ётибди. 5 гектарига сабзавот, 9 гектарига полиз, 3 гектарига дуккакли, қолганига озуқа экинлари қадалган далада хўжалик аъзолари гавжум.

– Жорий йилда 19,5 гектарга ғалла экиб, 75 центнердан ҳосил олдик, – дейди фермер мамнун ҳолда. – Бўшаган ер қайта шудгорланиб, янги экинлар экилди. Давлатга шартнома асосида 82 800 тонна ҳосил топшириб, юзимиз ёруғ бўлди. Бу кўзлаганимиздан ортиқ натижа. Ҳудудимиздаги 8 нафар кам таъминланган оилага даромад олишлари учун 2 гектар майдонни бўлиб бердик.

Фермернинг ҳимматидан хурсандлардан бири Сайёрахон Саримсоқовани суҳбатга тортдик.

– Уч фарзандим бор, – дейди у. – Турмуш ўртоғим оғир бетоб, имконияти чекланган. Болаларимни ёнимга олиб, бизга ажратилган ерга сабзавот экдик. Худо хоҳласа, фермернинг ҳам, давлатимизнинг ҳам бизга кўрсатган имкониятларини, ишончини оқлаймиз.

Тупроқдаги бойликлар

Шаҳрихон туманининг Марказ маҳалласи аҳолиси ҳам томорқачилик ҳадисини олган. Чунончи иссиқхоналар борасида.

– Маҳалламизда 547 хонадонда жами 46,5 гектар томорқа мавжуд бўлиб, аҳоли асосан сабзавотчилик билан шуғулланади, – дейди маҳалла раиси Мамасоли Ғофуров. – Уларнинг 10 фоиздан ортиғи иссиқхонадан даромад топиб келяпти. Бўш ўтирганни кўрмайсиз. Ёзми, қишми, ҳамма кафтдек ерига ҳам, катта экин майдонига ҳам ишлов бериб, даромад олиш пайида.

Яхёбек Жежанов маҳалланинг уста деҳқонларидан. 20 сотих томорқасининг 10 сотихида иссиқхона қуриб, ер билан тиллашишда бошқаларга намуна бўлмоқда. Йилига уч мартадан ҳосил олаётганига қараганда даромад чаккимас. Барқ уриб турган қизил, яшил булғор қалампирлари кўзни олади. Улардан фойда кўрмаслик мумкин эмас-да! Биринчи ҳосилдаёқ 10 миллион кирим бўлгани, яна режада 20-30 миллион сўм даромад олиш режасини эшитгач, қувониб кетдик. Балли, азамат! Мана, чинакам деҳқоннинг маҳорати!

Ғайратжон Ғофуров хонадонидаги 5 сотихли иссиқхонада эса помидорнинг сандина нави пишиб ётибди. Илк меваси ҳосилидан 15 миллион сўм даромад олган ер эгаси 1 700 туп помидор кўчатини атиги 2 миллион сўмга харид қилганди. Энди харид билан даромаднинг орасидаги фарқни чамаланг... Ҳамма ишни бир четга суриб, томорқачилик билан шуғулланса, деган ўй ўтгани аниқ!..

– Ҳали яна 30 миллион даромад олиш ниятимиз бор, – дейди Ғайратжон Ғофуров. – Ҳафтасига 500-600 килограмм помидорни бозорга чиқаряпмиз. Кейинги ой охирига қадар ҳосил беради, сўнг ўрнига бодринг экамиз.

Хонадондаги мулоқотлар тажриба машғулотига айланиб кетди. Маҳалла аҳлига томорқачиликнинг фойдалари, деҳқонлар, ер эгалари учун яратилаётган қулай имкониятлар, ташкил этилган "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолияти хусусида етарлича маълумот берган ишчи гуруҳ аъзолари ўз навбатида уларнинг саволларига ҳам батафсил жавоб беришди.

Пахтаободлик Абдураззоқ Юлдашев ҳам томорқа ортида бойлик топаётганлардан. Бойтўпи маҳалласининг Нурзиё кўчасида истиқомат қилувчи бу инсоннинг ҳам деҳқончиликдан, ҳам чорвачиликдан топаётган даромади мақтанишга арзийди. 2 сотих иссиқхонада етиштирилаётган помидорнинг Лима, бодрингнинг Орзу навлари шиғил ҳосилга кирган. 20 бош қорамолдан соғиб олинаётган сут маҳсулотларининг ички бозордаги харидорларини айтмайсиз.

Ён қўшни Гулнорахон Комилова хонадонидаги яшилликдан кўнгил ўсади. 15 сотих томорқада картошка, дуккакли экинлар ҳосил бериб турибди. Қўшни қўшнидан куч олибди-да, дейсиз беихтиёр...

"Томорқа хизмати" – чинакам кўмакчи

Асака туманидаги "Томорқа хизмати" масъулияти чекланган жамияти 2018 йилда фаолиятини бошлаган. Айни кунга қадар 2 700 аҳоли томорқаларига, 670 фермер хўжаликларига шартнома асосида уруғ ҳамда кўчатлар етказиб бермоқда.

– Туманимиздан ташқари бошқа 7 туманнинг томорқачи ва фермерлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, – дейди мазкур жамият раҳбари Ҳусниддин Каримов. – Уч минг тонналик маҳсулот сақлайдиган совутгич, қуритиш омборхонамиздаги сабзавот ва полиз маҳсулотларини йил давомида Россия, Молдова, Германияга экспорт қиляпмиз. Помидор, сабзи, саримсоқ, картошка уруғларини шартнома асосида Туркиядан олиб келиб, фермер ва ер эгаларига етказяпмиз.

Шунингдек, жамиятнинг тумандаги 80 гектар ерида картошка, булғор қалампири, кунгабоқарнинг экспортбоп навлари етиштирилмоқда. Майдоннинг 4 гектар узумзор, 10 гектар олмазоридан олинаётган ҳосил ҳам харидоргир.

Дангасага баҳона қоп-қоп

Фақат мақтайвериш билан иш битмайди, албатта. Очиғи, аччиқ данак ҳам керак. Танқидга кўз юмиб кетаверсак, муаммо илдиз отаверади.

Ишчи гуруҳ аъзолари Балиқчидан Шаҳрихон туманига йўл олганда ногаҳон йўл четида ғалладан бўшаган ер майдонига кўз тушди. Маълум бўлишича, ҳудуд Бўз туманига қарашли. "Асл гулистон замини" фермер хўжалиги тасарруфидаги мазкур майдоннинг ғалладан бўшаганига 15 кундан ортган бўлса-да, ер шудгорланмаган. Аслида бўшаган ер бир ҳафтага қолмай шудгорланиши ва такрорий экин экилиши зарур эди... Шаҳрихон туманидаги "Саодат обод", "Шаҳбоз" фермер хўжаликларида ҳам аҳвол шундай. Хўш, йил бошида бу йўналишдаги топшириқларга қоп-қоп ваъдани берган фермерлар энди ўзларини қандай оқлайди? Яна ёлғон баҳоналару арзимас важлар ортига беркиниб турверадиларми?! Аҳоли томорқаларида ҳам яхши ҳолатларга бирдек дуч келинмаганини очиқ айтиш лозим.

Ана шундай боқиманда кайфиятдаги аҳоли вакиллари ишчи гуруҳ таъсирида уйғондилар. Берилган зарурий тавсия ва маслаҳатлар ана шундай бефарқлар учун туртки бўлишига ишонамиз.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

40 000 доллар даромад!

Республика ишчи гуруҳи раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги вакиллар Наманган вилоятининг дастлаб Поп туманидаги "Поп жаннат боғи" фермер хўжалигида бўлишди. Хўжаликнинг 80 сотиғида иссиқхона ташкил қилинган экан.

– Бу иссиқхонани ўтган йилда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 800 миллион сўм кредит олиб қурган эдик, – дейди хўжалик раҳбари Камолиддин Фаёзов. – Йил бошида помидорнинг янги навидан эккан эдик, ҳосилдорлик мўл бўлди. Биринчи ҳосилнинг ўзиданоқ 40 тоннадан ошиқ помидор олдик ва 40 000 АҚШ доллари миқдорида даромад қилдик. Такрорийга ҳам айни экинни экмоқчимиз. Августда кўчат қадасак, ноябрга бориб маҳсулотни бемалол бозорга олиб чиқсак бўлади.

Поп жавоҳири

"Поп жавоҳири" фермер хўжалиги тумандаги ғалла режасини биринчилардан бўлиб бажарди, 71 гектар ерининг 34 гектарига ғалла экиб, 70 центнер ҳосил олди. Қарабсизки, давлат хирмонини 140 минг тоннага бойитди. Бўшаган майдоннинг 25 гектарига ерёнғоқ, 5 гектарига сабзи, 4 гектарига мош қадади.

– Иқлимидан келиб чиқиб ерёнғоқни кўпроқ экдик. Сабаби, у сувсизликка чидамли, четга ҳам экспорт қилмоқчимиз, – дейди фермер Жавоҳир Юсупов. – Имкониятлардан фойдаланиб, хўжалигимизни кўп тармоқлига айлантириш ниятидамиз. Ҳозирданоқ 60 бош қўй, 20 бош қорамолни парваришлай бошладик.

Мурувват қил, ёришсин кўнгил

Ишчи гуруҳ йўл-йўлакай туманда жойлашган Эркаклар мурувват уйида ҳам бўлишди. Мақсад бу ерда тарбияланувчилар билан дилдан суҳбатлашиб, уларнинг ҳолидан хабар олиш эди. Амалий мулоқотдан сўнг эсдалик совғалар топширилди.

– Халқимиз савобталаб, кўнгилга шу мақсадда йўл топишга интилишади, – дейди ушбу маскан директори Моҳиниса Марипова. – 350 ўринга мўлжалланган муассасамизда 300 дан ортиқ ногиронга 150 нафардан ортиқ шифокор ва ишчи ходимлар хизмат қилмоқда. 70 нафар ишчи-ходимларимиз O'zLiDeP аъзоси. Бугунги учрашувдан кўпчилик мамнун бўлди. Туманимиздан сайланган депутатлар ва партия фаоллари ҳам йил давомида тез-тез келиб хабар олишади, оила муҳитидан узоқдаги шикаста қалбларга меҳр-мурувват кўрсатиб, совға-саломлар беришади.

Бир маҳалла – бир маҳсулот

Попликлар томорқачиликда ҳам уста экан. Бешкапа маҳалла аҳли ана шундай деҳқонлардан чиқди, бирор қарич ери йўққи, бўш турган бўлса.

– Маҳалламизда 735 та хонадон бўлиб, уларда 4 250 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла раиси Сотиболди Султонов. – Ҳозирда 60 фоиз хонадоннинг 2 сотихдан 6 сотихгача иссиқхонаси бор. "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида асосан помидор ва бодринг етиштиришади. Асосий даромадлари шундан.

70 ёшли Мамасоли ота Қамбаров томорқасига тез-тез қадам босмаса туролмайди.

– Томорқамиз 25 сотих, – дейди отахон. – 8 нафар фарзандимга ёшлигидан ерга меҳр беришни ўргатдим. Меҳнат қилса, бировдан кам бўлмаслигини уқтираман. Картошка экиб, йиғиб олдик, ўрнига помидор, булғор қалампири, сабзи, пиёз, кўчат экдик. 8 сотихини иссиқхона қилиб, помидор эккандик, март ойидан бошлаб ҳосилни сотиб рўзғорни бутлаб келяпмиз. Ўрнини бодринг экишга тайёрлаяпман. 2 сотихда 2 500 та помидор кўчати экиб сотдик. 10 қути асалларимиз бор. Минг туп бодом кўчати ҳам экдим, донасини 10 минг сўмдан сотмоқчиман. Узумзорда Ризамат ота, кетмон даста, чилиги, кишмиш, ҳусайнилар етиляпти. Умуман олганда йиллик даромадимиз 40-50 миллионга боради-ёв...

Шу маҳаллалик Исроил Мадраҳимов ҳам 5 сотихли иссиқхонасида 11 йилдан буён помидор ва бодринг етиштириб, мўмайгина даромад қилиб келмоқда. Асосан помидор ва бодринг экади, йилига 20-30 миллион сўм даромад олади. "Шунинг орқасидан тўй қиляпмиз, машина олдик, иморат солдик, чиройли умргузаронлик шу эмасми, болам", дейди отахон мамнун жилмайиб.

Энди ишлаган тишлайди

Яширмаймиз, уқувсизликданми, тажриба мактаби кўришмаганиданми, томорқасининг умрини бекор ўтказиб келаётган ёки қўл учида деҳқончилик қилаётганлар ҳам йўқ эмас экан.

Афсуски, Кичиктошбулоқ маҳалласида эътиборсизликдан қаровсиз ётган айрим томорқаларга қараб шундай хулосага келдик. Маҳалла ёнидан ариқ тўла сув оқиб ўтса-да, 10 га яқин янги хонадонга тегишли ер майдони ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

– Шу маҳаллада бир неча йиллардан буён истиқомат қилиб келаман, – дейди иккинчи гуруҳ ногирони Неъматжон Суқматов. – 4 сотих томорқамни яшнатиш учун қудуқ қазиб, насос орқали сув чиқариб олдим. Сабзавотларимиз яшнаб ётибди, ана қаранг. Томоша қилиб дилим яшнайди, кайфиятим кўтарилади, шукр қиламан. Тўрт мучаси соғ бўлиб томорқасидан самарасиз фойдаланиб келаётган қўшниларимни кўриб ачиниб кетаман. Сув йўқ деган баҳоналар билан ерни ташлаб қўйишган...

Ишчи гуруҳ ҳолатни бартараф этиш мақсадида барча мутасадди ташкилотлар раҳбарларини ўша жойнинг ўзига жалб этди. 10 та аҳолининг қаровсиз ери шудгорланди, экин учун ер ҳозирланди. Ердан самарасиз фойдаланиб келаётган соҳиблари тегишли жаримага тортилиб, огоҳлантириш берилди.

Шўрқишлоқ маҳалласидаги "Тошбулоқ" МЧЖ қошидаги ёрдамчи хўжаликнинг 12 гектар ғалладан бўшаган ери ҳам такрорий экин экилмасдан бўш ётган экан. Ишчи гуруҳ назоратида бу ер ҳам шудгорланди. Сўнг 9 та кам таъминланган оилага ва айни хўжаликнинг 16 нафар ишчисига 20-30 сотихдан такрорий экин экиш учун бўлиб берилди.

Калвакка хорижликлар харидор

Тўрақўрғон тумани аҳолиси асосан боғдорчилик билан машғул экан. Калвак маҳалласидаги ҳар бир хонадонга кирганимизда бодом, гилос, хурмоларнинг шохлари ҳосилдан ерга тегай дейди. Калвакнинг бодом ва гилосига вилоятлардан ташқари Россия ва Қозоғистондан талаб катта, кўп маҳсулот ўша ёққа экспорт қилинади. Ўз ҳалол меҳнати мевасини элга тутиб ва бунинг ортидан рўзғорини бутлаб келаётган инсонларга ҳар қанча раҳмат айтсак кам. Қолаверса ёши улуғларимиз топиб айтганидек, турмушнинг чиройлиги меҳнатдан келаётган бойликдадир!

Саҳифани "XXI asr" мухбирлари Зилола РАҲМОНОВА, Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, O'zLiDeP Наманган вилоят Кенгаши матбуот хизмати котиби Юлдуз ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

30 июнь – Ёшлар куни

Баҳодир фермернинг боғу бўстонлари

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши бир қатор ҳамкор ташкилотлар кўмагида Гулистон туманидаги "Орол неъматлари" кўп тармоқли фермер хўжалигига ёшлар учун саёҳат уюштирди.

Фермернинг мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган, анвойи гуллар экилган, чор тарафидан сувлар оқиб, соя-салқинлик бағишлаб турган шинам дала шийпони. Бу ерда Уч қаҳрамон енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчилари, уюшмаган ёшлар иштирокидаги маҳорат дарси ўтилди. Уни ёшлар иттифоқи Гулистон туман кенгаши раиси Баҳром Бобоқулов бошлаб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Самидулло Маҳмудов ва вилоят Кенгаши аппарат раҳбари Фахриддин Абдусатторов қатнашчиларга ўтилаётган маҳорат дарсининг мазмун-моҳияти ва ундан кўзланган мақсад ва вазифалар, соҳага оид билим, малакаларни шакллантириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш хусусида тушунча бердилар.

– 25 ёшимда фермер бўлганман, – деди Баҳодир Бегматов. – Ўшанда биттагина "Алтай" русумли трактор сотиб олишга қурбимиз етган. Дастлаб кўп қийналдик. Лекин кўпчилик олдида уялиб қолмаслик учун тиним билмай ишладим, ҳаракат қилдим. Ишни ривожлантиришга, янгилик кўрсам, шуни хўжалигимга татбиқ этишга интилдим. Машаққатлар мева бермай қолмади. Бугунги кунда тасарруфимизда техниканинг ҳамма хилидан бор. Тумандаги барча фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз. Йилқичилик, балиқчилик, паррандачилик каби бир қанча соҳалар бўйича ҳам иш олиб боряпмиз. Ҳалол меҳнат, тинимсиз изланиш туфайли ишларимиз олға силжияпти. Ғалла, пахта сотиш режасини ҳар йили 150-180 фоиз қилиб уддалаяпмиз. Кун ўтдига ишлаган деҳқон ҳеч нарсага эришолмайди. Ерга меҳрингни бериб ишласанг, унга сарфлаган маблағингни беш-ўн баравар қилиб қайтариб оласан. Мен буни ўз фаолиятимдан келиб чиқиб айтяпман.

Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал ақидасига амал қилган Баҳодир Бегматов ёшларни икки йил аввал ташкил қилинган, 1,5 гектар майдонни эгаллаган узумзорига бошлади. Бир текис қилиб кўтарилган, соҳибкор меҳридан баҳра олиб яшнаб ривожланаётган узум кўчатлари нишона берган. Фермернинг таъкидлашича, ҳали узум ниҳолларининг пояси қотмаган, узумлар уч йилдан сўнг ҳосилга киради. Узумнинг сара – ҳусайни, қора ҳусайни, мерседес каби 6 хилдан зиёд нави экилган бу токзордан келгусида катта даромад олиниши кутилмоқда.

Боққа кирганлар ғарқ пишиб ётган, новдалари ҳосилини кўтара олмай эгилган дарахтларни кўриб ҳавасларини яшира олишмади. Айни ширага кирган олхўри, олма, ўрикларни дарахт шохидан узиб ейишнинг гашти эса ўзгача.

40 гектар ерга экилган чигитнинг султон нави гулга кирган. Гўза ниҳолларига учинчи маротаба ишлов берилаётган майдоннинг ҳар гектаридан бу йил 50 центнердан пахта олиш режалаштирилган.

Тадбир давомида "Меҳнат шуҳрати" ордени ҳамда "Шуҳрат" медали соҳиби Баҳодир Бегматов ёшларни ҳамкорликка чорлаб шундай деди: "Ким биз билан ишлашни хоҳласа, келсин. Ер ҳам берамиз, ёрдам ҳам берамиз, зарур бўлса маблағ билан таъминлаймиз. Келинглар, ҳамкорликда иш ўрганинглар, ҳунарли бўлинглар, умрингиз бекор ўтмасин. Алоҳида фаолият юритишингизга кўмаклашамиз. Ҳудудларимизда унумдор ерлар кўп..."

Шундан сўнг ёшлар фермернинг уч мингдан зиёд ўрдак, ғоз ҳамда 50 дан ортиқ курка парваришланаётган хўжалигида бўлишди. Меҳмонларни кутиб олган иш юритувчи Акрам Салимов паррандаларни парваришлаш сирлари, парҳез гўшт етиштириш ва бу тармоқнинг афзалликлари хусусида сўзлаб берди. Тармоқни оилавий йўсинда ривожлантиришга кўмаклашаётган Акрам Салимов балиқчилик хўжалигининг фаолияти билан ҳам таништирди. 20 гектар ерда ташкил қилинган сунъий кўлда сазан, дўнгпешана, амур каби балиқ турлари етиштириляпти. Кузда халқ дастурхонига 50 тоннадан зиёд балиқ маҳсулоти етказиб бериш мақсад қилинган.

Баҳодир Бегматовнинг фаолият қирралари шу билан тугамайди. У савдо, қурилиш йўналишларида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Турк ҳамда хитойлик ишбилармонлар билан уч соҳа бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Дастлаб пайпоқ тўқиш цехи, кейинчалик оёқ кийими тайёрлаш ва темирга нақш ўйиш корхоналари ишга туширилди. Туркиялик ишбилармонлар билан биргаликда барпо қилинган тўқимачилик корхонасига 500 дан зиёд хотин-қиз жалб қилинди. "Зиннур лак-бўёқ" ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ўзининг сифатли қурилиш маҳсулотлари билан танилиб қолди. Туман марказида ташкил этилган "Grand study" ўқув марказида инглиз, она тили, корейс тиллари билан бир қаторда математика, физика каби бир қатор фанлар бўйича машғулотлар олиб бориляпти.

– Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, бандлиги таъминланмаган ёшлар, касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар битирувчилари, ёш фермерларда хўжаликда ўтказилган учрашувлар, мулоқотлар катта таассурот қолдирди, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги Ўзбекистон ёш фермерлари Кенгаши вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Жаҳонгир Раҳматов. Бугунги суҳбат, сўзга чиққанларнинг йўл-йўриқ ва тавсиялари ёшлар ҳаётида асқотишига шубҳа йўқ.

Пировардида шуни айтиш керакки, тиниб-тинчимас фермер доимо изланишда. Хусусан, эронлик ҳамкорлар билан 10 миллион АҚШ долларилик лойиҳани рўёбга чиқариш ҳамда белоруслик тадбиркорлар билан янги лойиҳани ишлаб чиқиш тараддудида.

Дилором ЭСОНОВА,
O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби

Фидойиларимиз

Баҳона ўрнига чора топиш керак

Шундай ташаббускор ва ташкилотчи инсонлар бўладики, қаерга раҳбарлик қилмасин, жамоани янги-янги зафарлар сари ундаб, амалий ишлари билан барчага намуна кўрсатади. Ҳали кўп бўлмади, яқиндагина O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси сифатида иш бошлаган Шуҳрат Турсуновни кабинетидан топиш мушкул. Қачон қўнғироқ қилсангиз, воҳанинг қайси бир туманида аҳоли муаммолари билан шуғулланиб юрган бўлади. Ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишлар бугунги замон талаблари даражасида ташкил этиляпти, асосийси, партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, БПТ етакчилари ва фаоллар зиммадаги вазифаларга масъулият билан ёндашмоқдалар.

Ҳа, бугун партия ходимлари, депутат ва фаоллар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида тер тўкяпти. Улар одамлар орасида, халқнинг дарду ташвишлари билан яшамоқдалар, тўпланиб қолган муаммоларни партиявий таъсир чоралари, ҳомийлар кўмагида, баъзан ўз ташаббуслари билан бартараф этмоқдалар. "Баҳона эмас, чора топиш керак!" деган шиор бугун барчани огоҳликка, изланишга даъват этаётгандек, назаримда.

Шуҳрат Турсунов берилган топшириқни жиддий назорат қилишга одатланган. Бугун сафдошларимиз томонидан вилоят аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш – тарғибот ва ташкилий-партиявий ишлар олиб борилмоқда. Натижада партия сафлари жонкуяр ва ташаббускор ёшлар ҳисобига тўлдирилиб, сиёсий кучга бўлган ишонч янада мустаҳкамланаётир. Яхшиси, қуйидаги рақамларга эътибор берайлик. Бундан роса бир ой муқаддам вилоятда 1 030 та бошланғич партия ташкилоти фаолият олиб бораётгани қайд этилганди. Май ойида уларнинг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди. Пахта етиштириш кластер тизимига ўтилаётгани, фермер хўжаликларининг оптималлаштирилиши, айрим фермер хўжаликлари ва корхона, ташкилотларнинг тугатилаётгани боис 90 та қуйи бўғин ўз фаолиятини тўхтатган эди. Шуҳрат Турсуновнинг ташаббуси билан қоғозда фаолият олиб бораётган айрим БПТлар ўрнига бошқа фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари, маҳалла ва корхоналарда бошланғич партия ташкилотлари очилди.

"Қарши ғиштсаноати" масъулияти чекланган жамияти, "Зармас шифо" хусусий клиникаси, "Тоҳир транс" хусусий корхонаси, Қарши халқаро аэропорти, вилоят кардиология маркази, бандлик ва иқтисодиёт бошқармаларида ташкил этилган БПТлар шулар жумласидандир. Тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида партия сафлари 1 722 нафарга кўпайиб, айни пайтда аъзолар сони 61 минг 707 нафарга етди. Қуйи бўғин фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш учун кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш керак. БПТ бурчаги кўпайиб, кўргазмалар билан бойитилмоқда. Бир ойда 200 та шундай стенд яратилди. Йил охирига қадар барча БПТлар ана шундай тарғибот воситалари билан таъминланади.

Илғор БПТлар тажрибасини оммалаштириш яхши самара бермоқда. Амалий ишлари билан барчага ўрнак бўлиб келаётган бундай қуйи бўғинлар етакчилари билан амалий мулоқотлар ташкил этила бошланди. Вилоятнинг турли бурчакларидан келган етакчилар иштирокидаги учрашувлар фаолиятни жонлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. "Муборакнефтгаз" МЧЖ, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Муборак ГҚИЗ, "Шўртангазкимё" мажмуаси, "Шўртаннефтгаз" МЧЖ, Яккабоғ геология физика экспедицияси, Қарши ёғ-экстракция заводи қошидаги бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтган тадбирлар шулар жумласидандир.

– Вилоят ҳокими билан вилоятимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли хонадонларида бўлиб, "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб боряпмиз, – дейди Шуҳрат Турсунов. – Зафар Рўзиев бир ой давомида юзлаб хонадонларда бўлиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашди, ёшларга китоб ва нетбуклар совға қилди. Боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиб, оилавий тадбиркорликка йўналтириш мақсадида парранда, чорва моли, уруғлик ва молиявий кўмак беряпмиз. Китоб туманидаги Деновбола, Ботмон, Жовуз, Миришкор туманидаги Чандир, Помуқ, Яккабоғ туманидаги Ажрим, Чуброн қишлоқларида бўлиб, аҳолининг турмуш шароитлари, бандлигини ўргандик. Ўттиздан ортиқ оилага молиявий ёрдам берилди. Ўндан ортиқ ногиронларга аравача ва бошқа тиббий ускуналар оилаларида кўмаклашдик. Қишлоқ одамлари юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнун. Уларга озгина эътибор қаратилса, молиявий ёрдам ажратилса, ҳаёти фаровонлашиб кетиши аниқ. Ана шундай муҳим вазифаларни бажаришда партиямиз фаоллари, депутатларимиз ташаббус кўрсатишлари керак. Мана бир ярим ойдирки, ўнга яқин тадбир ташкил этдик. Аммо мен билган ва яхши таниган депутатларни ўша анжуманларда кўрмадим. Демакки, бу йилги сайловларда уларнинг ўрнига сиёсий фаол, мамлакатдаги ислоҳотларда ўзини масъул деб биладиган, эл дарди билан яшайдиган жонкуяр инсонларни номзодликка кўрсатишимиз керак экан.

Бугун вилоятда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари вилоят Кенгаши, депутатлар назоратида турибди. Улар деярли ҳар кун олиб борилаётган ишлар билан танишиб, юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқдалар. Нишон туманидаги Талимаржон шаҳарчасидаги Обод, Дўстлик, Тинчлик ва Оби ҳаёт маҳаллаларида 2 204 хонадонда 9 минг 506 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бундан ўттиз йил муқаддам қурилган кўп қаватли уйларда аҳолининг яшаши учун шароит йўқ. Канализация тизими деярли ишдан чиққан, автомобиль турарғоҳи ва болалар ўйингоҳлари бунёд этилмаган. 1 минг 759 нафар ўқувчи таҳсил оладиган, деярли харобага айланиб улгурган 4-мактабнинг аҳволига қараб бўлмайди. Уни капитал таъмирлаш ва қўшимча 216 ўринли янги бино қуриш режалаштирилди. 2 та мактабгача таълим муассасалари ҳам қайта таъмирланиши керак.

– Бугун чегара ҳудудида жойлашган, эътибордан четда қолган бу шаҳарча замонавий қиёфа касб этиши учун кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, –дейди Шуҳрат Турсунов. – Ободонлаштириш ишлари ҳақида депутатларимиз ҳар куни кенгашга маълумот бериб туришибди. Шаҳарча аҳолиси билан мулоқотлар ташкил этилиб, мавжуд муаммоларни ўрганиб, халқ депутатлари туман ва вилоят кенгашлари сессияларига масала киритиш юзасидан ишлар бошланган. Мутасаддиларга юборилган ўндан ортиқ депутатлик сўровлари шаҳарча аҳолиси турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишга яқиндан ёрдам беришига ишонаман.

Бугун вилоятда ташаббускор партия фаоллари сони кун сайин ортмоқда. Уларнинг ибратли ишлари партия электорати ва аҳоли ўртасида оммалаштирилмоқда. Қарши туманидаги "Бахт" фермер хўжалиги раиси Иброҳим Холиёров аҳоли бандлиги ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаоллардан. У вилоятда илк бор туяқуш боқишни йўлга қўйди. Эндиликда унинг ташаббусини бутун вилоятга ёйиш, туяқушларни кўпайтириб, бутун вилоятдаги фермер хўжаликларига тарқатиш борасида амалий ишлар бошланди. Партиянинг Китоб туман Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Ғулом Узоқов аҳоли ўртасида томорқа хўжалигини ривожлантириш борасидаги тарғибот ишларида фаол қатнашиб келяпти. Ўзининг икки сотихли иссиқхонасида БПТ етакчилари ва ёшлар ўртасида амалий мулоқотлар ўтказиб, тўпланганларга илғор тажрибаси ҳақида сўзлаб беради.

Косон туман Кенгаши аппарат раҳбари ўз ҳисобидан мактаб кутубхонасига 500 минг сўмлик китоб совға қилди.

Бугун чинакамига изланиб, янгиликларни фаолиятига жорий этиб борган сиёсий кучгина эл назаридан қолмайди, дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчилар сони кун сайин ортиб бораверади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Семинар

Машғулотлар хўжакўрсинга эмас

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази томонидан партиянинг Хўжайли, Тахиатош, Кегейли ва Нукус туманлари ташкилотлари ходимлари, БПТ раислари ва тарғибот гуруҳи аъзолари учун махсус ўқув-семинар ташкил қилинди.

Ўқув дастурларидан талай долзарб мавзулар ўрин олгани эътиборга молик. "Обод маҳалла", "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Yoshlar – kelajagimiz" давлат дастурлари ва Президентимизнинг ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусини амалиётга жорий этишда партия фаоллари олдида турган вазифалар, аҳоли орасида партия ғояларини тарғиб қилишда БПТларнинг ўрни, ҳудудий партия ташкилотлари билан ишлаш механизмлари, яқинлашаётган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш жараёнида қуйи тузилмаларнинг ҳамда тарғиботчилар гуруҳининг асосий вазифалари каби мавзулар шулар жумласидандир.

Тингловчилар ўқувлар ҳар жиҳатдан уларга маъқул бўлганини, маърузачилар томонидан партиявий ишда қўл келадиган қўплаб ахборотлар берилганини билдирдиларки, бу дарслардан кўзланган мақсадга эришилганини англатади.

– Партия салоҳиятимиз ўсиши учун барча имкониятларни яратиб бераётган, хусусан, мунтазам равишда юқори савиядаги ўқувларни ташкиллаштираётган экан, бундан унумли фойдаланишимиз даркор, – дейди Кегейли туманидаги аҳолига хизмат кўрсатиш корхонасида фаолият юритаётган БПТ етакчиси А. Қайирбекова. – Кўпгина масалалар бўйича мутахассислардан ҳам, тингловчилардан ҳам маслаҳат, йўл-йўриқлар олдим. Бизга партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудирлари ҳам сабоқ беришди. Бу ўқувлар нафақат билимларимизни бойитди, балки келгусида ўз устимизда қандай ишлашларини ҳам аниқ-равшан кўрсатиб берди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Муваффақият

Аёллар барибир фаол

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари, O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Дилбар Ахмедова "Бизнес, оила ва жамиятда аёлларнинг ролини ошириш" лойиҳасини ишлаб чиқиб, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси махсус дастурида кўзда тутилган грантни қўлга киритди.

Мазкур грант хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бизнес юритиш асосларини ўргатиш орқали уларни оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначиликка жалб қилиш, аёлларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини, ижтимоий-сиёсий, маданий саводхонлигини оширишга йўналтирилган. Лойиҳа доирасида 360 нафар бухоролик хотин-қиз ўқитилди ва уларнинг аксарияти ўз бизнесини йўлга қўйди. Хусусан, тадбиркорликка қўл уриш арафасида турган аёллар учун "Ўз бизнесингни бошла ва уни такомиллаштир" мавзусида ўтказилган семинарлар айни муддао бўлди. Қайд этиш керакки, ўқувларнинг муайян йўналишлар бўйича ўтказилгани машғулотлар самарадорлигини таъминлади. Масалан, тингловчиларга тикувчилик ва қандолатчилик цехлари ҳамда меҳмонхона ва иссиқхона хўжаликлари ишини йўлга қўйиш, пиширириқлар тайёрлаш, сартарошхона ташкил қилиш бўйича сабоқлар берилди.

Ўқув-семинарлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказилгани, 185 нафар аёлга тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бизнесини бошлаб, рўзғорини бут қилиш, оиласи ва жамиятга наф келтириш мақсадини кўнглига туккан тикувчи аёллардан шофирконлик София Норбоева, олотлик Мафтуна Полвонова, хизмат кўрсатиш соҳасида иш бошлаган пешкулик Инобат Муҳаммедова, Меҳринисо Саноева, паррандачилик билан шуғулланишга аҳд қилган бухоролик Ҳилола Нажмиева, миллий кийим-кечак ва либослар тикишга киришган Лола Бобомуродова ва бошқалардан ўрнак олишга интилаётган хотин-қизларнинг тобора кўпайиб бораётгани қувонарлидир.

Асхор ИСТАМОВ

“Оқшом”да кечган оқ тонглар

ёхуд “Ахборот қироли” ва бошқалар

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

...“Тошкент оқшоми”га 1980 йилнинг 4 июнь куни расман ишга кирганман. Бу сана менинг беғам-беармон талабалик йилларим тугаб, ҳақиқий, катта, серсинов ҳаётга қадам қўйганимни билдиради. Аслида эса...

“Оқшом”га ишга киришимга Шукур ака, раҳматли Шукур Холмирзаев сабабчи бўлган. Ўша пайтлар “Шарқ юлдузи” журналининг наср бўлими мудири вазифасида ишлаётган Шукур ака “Оқшом”нинг ўшандаги бош муҳаррири Саъдулла Кароматовга ўз кўзимча “Талантли йигит. Сурхондарёлик. Эти сизники, суяги бизники” қабилидаги сўзлар билан далолат қилганидан сўнг, эртасига худди айтилганидек, соат ўнда Кароматов қабулхонасида ҳозир бўлдим. Унгача...

“Ёшлик” журнали наср ва назм бўлими мудири, ёзувчи акамиз Эркин Аъзамнинг оғзаки далолатию газетанинг саноат бўлимида ишлайдиган журналист Тўхтамурод Тошевнинг тавсияси билан ахборот бўлими мудири, жиззаки, баджаҳл, бадқовоқ одам Абдулла Пўлатовнинг ҳузурига бир-икки ойдан зиёдроқ қатнайвериб ҳафсалаларим пир бўлиб кетганди.

Қабулхонада ўтирарканман, бош муҳаррир чақирган шекилли, ҳовлиқиб кириб келган Абдулла Пўлатовнинг ола-кула кўзлари кутилмаганда бирдан менга тушгани ҳамоно бир пас аланг-жаланг бўлиб, довдираб қолди-да, “А, Саидов, Кароматовнинг одамиман деб эйтмийсизми?!.” деганича уриб ичкарига кириб кетди. Бир муддатдан сўнг мени ҳам ичкарига чақиришди.

– Мана, ўртоқ Пўлатов, шу йигит, ўзи жуда талантли, тарбиянгизга оласиз. Бўйи ҳам сиздан узун экан, хафа бўлмайсиз. Ҳали бўйдоқ, уйлантириб қўйсангизам майли. Шеър ёзишни яхши билади, сиз ахборот ёзишни ўргатасиз...

Йўлак бўйлаб зарда билан айтилган “Юринг!” дан бошқа бирор сўз айтмасдан миқ этмай бораётган Пўлатовга эргашарканман, унинг норози авзойидан олдинда мени ҳали яна кўп саволлар кутиб турганини англаганим баробарида, ўзимни бу кишига нисбатан худди бир айб иш қилиб қўйган одамдай сезардим.

Пўлатов барибир тинчимади. “Хўш, хўжайин, – деди у киши – ўнг томондаги бўм-бўш жойни менга кўрсатиб. – Шўтта ўтириб ишлийсиз”. Сўнгра кўзлари аланг-жаланг, бесаранжом, бетоқат бўлиб у ёқ, бу ёққа аланглагандай бўлди-да, асабий ҳолатда жойига ўтириб, стол устида турган “Ту”нинг қутисидан сигарет олиб, гугурт билан шаққилатиб ёқаркан, “Кароматовни қаттан танийсиз ўзи?!. Нага манга бир оғиз этмадийиз?” дея тоқати тоқ бўлганча яна саволга тута бошлади...

* * *

Пўлатов попурусхўр бўлиш билан бирга ашаддий чойхўр ҳам экан. Эртасига ҳали жойимга ўтириб-ўтирмаёқ “Хўжайин, битта чой қўйинг!” дея буйруқ қилди. Табиийки, бу менга ёқмади, шундай бўлса-да ёши, вазифаси ҳурматини қилиб, сирлари кўчиб ола-була бўлиб кетган, ичлари, таги қалин қуйқа боғлаган оғир човгумда сув олиб келиб, худди шундай қалин қуйқа қоплаган, учи муштдай бўлиб қолган электр сув қайнатгични токка тиқиб, чой қўйдим.

Ашаддий чойхўргина эмас, Пўлатов ҳақиқий чойхўр экан. Кечки пайтгача яна икки марта чой қўйишимга тўғри келди. Оқшом чоғи, иш куни тугай-тугай деган паллада тўртинчи маротаба “Хўжайин, битта чой...” дея ҳали оғзидан чиқар-чиқмас, астойдил жаҳлим қўзиди-да, “Менга қаранг, – дедим, – Мен Сурхондарёдай жойдан бу ерга сизга чой дамлагани келмаганман! Чой керак бўлса ўзингиз қўйиб ичаверинг! Мен чой ҳам қўймайман, чой ҳам ичмайман!” дея чўрт кесдим-да, қоғозларимни тахлай бошладим. Пўлатов кутилмаганда қулочкашлаб тарсаки еган одамдай қотиб-анграйиб қолди. Ўрис аёл “Да оставь ты его в конце концов в покое!” дегандан сўнг, сал ўзига келиб, ола-кула кўзлари яна бир аланг-жаланг бўлди-да, “Хўп хўжайин, хўп-хўп, кечирасиз, билмабиза” дея човгумини кўтарганча шошилиб ўзи сув келтиргани чиқиб кетди...

Мен – Тошкент давлат университетининг журналистика факультети парвариш қилиб, вояга етказиб берган буғдой бошоғи, етилган, етилмаган дон-дуним билан “Тошкент оқшоми” деган бир ажиб, фусункор ва раҳмдил, айни пайтда аёвсиз ва шафқатсиз тегирмонга келиб тушганимни ҳали билмас эдим. Бу ерда тақдир мени жуда ҳам меҳрибон ва қаттиққўл, жафокаш ва хокисор, баъзилари риндонафеъл, айримлари майхора ва ажабтовур, ҳалол ва тажрибали тегирмончиларга дучор қилганини ҳам бир фасл ўтиб – бу тегирмоннинг дон-дунлари-ю суви билан тош ва парракларигача астойдил қоришиб, сингиб кетганимдан кейин англаб етаман.

* * *

Газетанинг йўналишию услубини тезда ўзлаштириб олдим. Хабар ёзиш ҳам унчалик мушкулот туғдирмади...

Аввалига Абдулла ака мен кунига тайёрлаган беш-олти хабардан камида уч-тўрттасини қайтарадиган бўлса, бора-бора тўрт-беш ойнинг ичида буларнинг сони бир-иккитага тушиб қолди. Шунда ҳам “қайта кўчиринг, қайта кўринг” деб берар, ахборот дунёсига жуда тез киришиб кетганимдан ичидан мамнунлигини юз-кўзларию хийла мулойимлашиб қолган муомаласидан кўриб билиб турардим.

...Биринчи маошимдан отамга кўйлак, онамга ун олиб беролмадим. Қўл қўйиб ҳаётимдаги энг азиз ва қувончли 115 сўм пулни олганим заҳоти “Тошкент” меҳмонхонаси биқинидаги гастрономга югурдим. Элвира Сергеевнага иккита тахта шоколад билан бир блок-қути сигарет, Пўлатовга ҳам худди шундай бир қути “Ту” попуруси олиб кабинетга қайтдим. Қўлимдагиларни кўриб Абдулла ака аланг-жаланг бўлиб “Ойлигиззи олдингизми?” дейиши билан олдига ҳалиги қутилардан бирини, Эля опанинг столига ҳам худди шундай унга аталганларни қўйдим-да, “Биринчи ойлигимдан сизларга совға” дея жойимга ўтирдим. Пўлатов “Бунақа қиманг-де, нима кераги бор эди, ўзийиз ижарада турсайиз, бундан кўра ойизга жўнатмийсизми?” дер экан, Элвира Сергеевна унга қараб “Возми, возми, это священное дело” дея яшнаб, порлаганча “Золотце, золотце”лаб менга раҳмат айтди...

* * *

Ахборот бўлимида ишласам-да, менинг ҳушу хаёлим биз билан ёндош, ҳамиша ёнма-ён, иккинчи қават йўлагининг охирида жойлашган адабиёт бўлимида эди. Унда таниқли ёзувчи, ўша пайтларда машҳурликнинг энг баланд ярқираган чўққиларида юрган, каттаю кичикнинг севимли адиби Ўткир Ҳошимов мудир, шоир Носир Муҳаммад эса у кишига ходим бўлиб ишлар эди. У пайтлар Ўткир аканинг “Баҳор қайтмайди” қиссаси асосида суратга олинган, Ўзбекистон телевидениеси намойиш қилган, бутун мамлакат, ҳатто қўшни республикаларда ҳам катта шов-шув бўлган видеофильмнинг довруғи ҳали давом этар, хатлар бўлимининг кўркам, ойжамол мудираси Зуҳра опа ушбу бўлимга кунора олиб кирадиган даста-даста хатлар газетага эмас, айнан Ўткир акага, шахсан у кишининг номига ёзилган эди. Мен кейинчалик ҳам бошқа таҳририятларда, Ёзувчилар уюшмасида ҳам ишлаб, ўз ўқувчилари, кенг китобхонлардан бунчалик кўп хат-хабар олган ёзувчини эслолмайман.

Бир куни хабар ёзиб ўтирганимда ўзидан-ўзи “Сизни Ўткир ака сўраяпти” деб Носир Муҳаммад кириб қолди. Дик этиб ўрнимдан турдим-да, у кишига эргашдим. Ўткир ака бир дунё қоғозу хатларга кўмилиб ўтирган экан. Ўрнидан туриб, ўзим кутмаганим хушмуомалалик билан мени қарши олгач, ўтиришга изн берди.

– Шукуржон айтган йигит сиз экансиз-да, – деди Ўткир ака ўшандай очиқ чеҳра билан. – Кечагида кўришиб қолувдик, Шукуржон сизни сўради. Ишлариз жойидами? “Оқшом”га келиб яхши қибсиз. Бу газетага Ғафур Ғуломдай устозларнинг дуоси кетган. Бетта кўп нарса ўрганасиз. Абдулла ака қийнамаяптими? Лақабини биласизми? Кейин билиб оласиз. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, яна қанча улуғлар билан гаплашган, уларнинг дуосини олган табаррук одам. Меҳнаткаш, тажрибаси катта. У киши билан тобланасиз. Ҳеч ким хафа қилмаяптими? Тортинмасдан кириб туринг. Мен бўлмасам, мана, Носиржон бор. Бизнинг бўлимга ҳам қатнашиб туринг...

Кайфим чоғ, кўнглим тоғдай кўтарилиб хонамга қайтдим. Бурқситиб попурус тутатиб ўтирган Пўлатов кўзлари ўзига хос аланг-жаланг ҳолда дарров саволга тута кетди.

– Ўткирри кўрдизми, нима дер экан Ўткир? Нага сиззи бирдан сўраб қопти?

Ўткир аканинг “бизнинг бўлимга ҳам қатнашиб туринг” деган гапини айтганим ҳамоно Пўлатов тутақиб кетди:

– И-е, бўлмаган гап! Ўтда бошқа гап бўгану сиз айтмавоссиз. Айтгийиз кемавотти. Бўтта бошқа масала бор...

Кейин маълум бўлишича, Пўлатов акамиз Ўткир ака мени адабиёт бўлимига чақиряптими деб гумонсираган экан...

Ўткир аканинг гапларидан кейин Пўлатов билан сал ўйлаброқ муомала қиладиган бўлдим. У кишига бошқача кўз, ўзгача меҳр билан қарай бошладим. Ўқувчилик пайтларимданоқ яхши кўриб мутолаа қилганим икки улуғ адибни кўрган, билган бўлса, уларнинг суҳбатини, дуосини олган, ҳақиқатан ҳам ҳалол ва заҳматкаш бу инсон олдида шартакилигиму одобсизликларим учун ўзимни бирмунча ноқулай сезаётган эдим.

Пўлатовнинг лақаби Ахборот қироли экан.

У киши гаплашмаган, мулоқот қилмаган, янгилик ва ё хабар истаб мурожаат этмаган таниқли инсонлар, арбоблару вазирлар, шоиру ёзувчилар, ноиблару артистлар, идора ва ташкилотларнинг сон-саноғи йўқ экан. Озодлик ороли – Кубанинг ёвқур давлат раҳбари Фидел Кастро билан кўришганларию Ҳиндистон давлат арбоби Лаъл Баҳодир Шастрига салом берганлари, машҳур ҳинд кино юлдузи Раж Капурнинг меҳмонхонада ётган жойида оромини бузиб, “жонини суғуриб” интервью олганларигача – ҳамма-ҳаммасини бирга ишлашимиз давомида аста-секин билиб олдим.

1961 йили Юрий Гагариннинг космосга учиши муносабати билан шошилинч тарзда топшириқ олиб, Ғафур Ғуломдан интервью олишга боргани воқеаси, айниқса, қизиқ бўлган экан. Абдулла ака бу ҳақда жўшиб, кўпириб гурунг берарди.

– В-ей, жа қизиқ бўган. Радиода мухбир эдим. Ўн иккинчи апрель ярим кечаси топшириқ бўлди, эрталаб олтида Ғафур Ғуломнинг шеъри билан овози столда бўлсин деган. Соат тўрда борибман. Топшириқ қаттиқ бўлувди-де. Эшик очиқ экан. Тақиллатдим. Ҳеч ким чиқавермади. Тағин тақиллатдим. Аломат экан эди-де Ғафур Ғулом. Бир маҳал чиқди. Оқ чалворда, дўпписи ҳар доимгидай қирра қўйилган. Ҳали салом бермасимдан, каллаи саҳарлаб бўтта нима қиб юрибсан?” дея пўписа қилгандай бўлди. Кейин “Энди кепсан, майли кирақол” дея ҳовлидаги сўрига бошлади. Шу десангиз, у одамнинг салобати босдими, титраб, ҳаяжонланиб кетвомман. “Бунча қалтирийсан, Тошканнинг боласига ўхшайсан, қатта ўсгансан ўзи?” деди яна. “Эски шаҳардан” деганим заҳоти яна худди ўшандай дўқ оҳангида “Эски шаҳар котта, қайси маҳалладансан, деб сўровомман?!” дея астойдил жаҳли чиқди. “Сархумдондан” деган жавобимни эшитгач, “Сархумдондан бўсанг яхши бола экансан” деб шундан кейингина ўтиришга изн берди. “Қани, гапир-чи, нимага келдинг?” дея елкамга осиб олганим катта бесўнақай репортёримга маъноли қараб қўяркан, мақсад-муддаомни айтганимдан сўнг, ўзи ҳам сўрида тўшалган кўрпача устига бир оёғини осилтириб, бир оёғини ярим чордона қилганча ўрнашиб олди. Ғафур ака мен ҳали дов-дастгамни тўғриламасимдан, қалам-дафтаримни ҳозирламасимдан дабдурустдан “Ёзгин бўмаса!” деб ўзига хос салмоқли овозда шеър ўқиворса бўладими. Довдираб қолдим. Ўқиш асносида бир тўхтади-да, менинг ивирсиб қолганимдан жаҳли чиқиб, “Бунча имиллайсан, ғалати бола экансан-ку, мухбир деганам шунақа бўладими?!” дея дашном берди. В-ей, Ғафур ака жа аломат киши эди-де! Шеърри ўша кеча, мен боргунимча ёзиб бўган экан. Жа зўр шеър бўлувди-де! Икки қатори ҳалиям эсимда турибди. Гаппи қаранг: “Инсоният умрида кўкка боқди ҳар маҳал, Юлдузлар сирин билмоқ унга қадимдан орзу”. Жа точкага урарди-де Ғафур ака!..

Машҳур суратчи Содиқ Маҳкамов архивидан. 1985-86 йиллар

* * *

Баъзи кунлар бирор янгилик ундириш жуда қийин бўлиб кетар, куни билан турли идора-корхоналарга телефон қилавериб, бақиравериб, боз устига бир қутилаб попурусни аёвсиз чекаверганидан чошгоҳга бориб Пўлатовнинг силласи қуриб ҳансираб қолар, айни ёзнинг пишиқчилик паллалари, тузук-қуруқ тушлик ҳам қилолмаган охахонимиз кейин бесамар иш кунининг бор аламу ғурбатини уйига қўнғироқ қилиб уйдагилардан олар эди. Аввалига нарёғдан телефон дастагини кўтарган қай бир қизига ҳе йўқ, бе йўқ “Нага шанғилавоссан, тўғри гапирсанг бўмийдими?!.” дея ўшқириб берар, кейин “Ойинг қатта? Ойингни чақир манга!” деганча чап қўли билан қорнини чангаллаб садо кутар, орадан ҳеч қанча ўтмай кеннойимиз овоз бергандан сўнг эса баттар тутоқиб-бақириб топшириқ берарди:

– Бунча имиллайсан, қатта юрибсан ўзи? Кечқурунга тузукроқ овқат қилларинг, иннайкейин силлам қуриб кетвотти, қизингними, ўғлингними Эски жўвага жўнат, бозордан манга бир-икки кило шивилғони обкеб қўйсин!.. – дея Пўлатов жаҳлу зарда билан худди янгилик йўқлигига янга билан қизлари сабабчидай телефон дастагини шарақлатиб қўярди-да, уф тортганча юмшоқ курсига чўкарди. Бола-бақраси кўп – шаҳар шароитида саккиз қизу бир ўғилни боқиш, серташвиш ва серғалва катта рўзғорни тебратиш осон эмаслигини ич-ичимдан англаб-тушуниб, шундай лаҳзаларда том маънода заҳматкаш ва жафокаш, қаламкаш ҳам аламкаш бу инсонга чин дилдан раҳмим келар эди.

“Шивилғони” нималигини билмас эканман, ака жаҳлу важоҳатидан тушиб, кайфияти яхши бўлгандан кейин секин сўрадим. “Дарров илиб обсиз-де, а?” дея димоғи чоғ бўлганча, худди бир шингил бол-шарбатга тўла узумни оғзига солгандай тамшаниб-чалпиллаб шундай жавоб берди:

– Вей, қанақа шоирсиз ўзи? Шивилғонини билмийсизми? Узум-де, ўзимизани киш-миш узум! Киш-мишши Тошканда шивилғони дейди. Паркатти киш-миш узуми-де!.. Қодирийдаям борку, Қодирийда ўқимаганмисиз?..

Қодирий домлада бор-йўқлигини билмадиму, лекин ўша аснода улуғ адибнинг отдоши ва деярли маҳалладоши бўлмиш Абдулла акадан чиройли бир сўз, ҳар гал эслаганимда шудринг аралаш тоза ток баргию узум ҳиди уфурадиган, нохосда оғиз-танглайларимни болга тўлдириб юборадиган шаҳду шакар тансиқ бир иборани, ширин ва кўркам бир каломни билиб ўрганиб олганимдан хурсанд эдим...

Эҳтиром

Инобатнинг армони

Юз-кўзларидан олов ёниб турган, илмга чанқоқ, серсавол бу қиз билан 1979 йили собиқ ТошДУ, ҳозирги ЎзМУнинг журналистика факультетига ҳужжатларимизни топшираётган маҳал танишганмиз. У ўша йили кундузгидан қайтиб, дорилфунуннинг кечки бўлимига ўқишга кириб кетди. Мен эса... ҳаётнинг оғир ва заҳматли сўқмоқларида узоқ тентираб, улоқиб-улоқиб охири олти йил деганда университет талабаси бўлдим.

40 йил тўлади бу йил мен эзилиб, энтикиб хотирлаётган воқеаларнинг содир бўлганига. Осон кечмади бу муддат, у ёғи ўзимга, қолгани худойимга аён. Лекин мен билган, таниган Инобат Нормуродова учун ўтган йиллар катта мактаб вазифасини ўтади. Унинг бахти, камоли, ҳамма ҳавас қилса арзигулик оиласи, умр йўлдоши, бир этак фарзанду неваралари бор бугун. Армони йўқ десам, ёлғон бўлади. “Ўтган йилларим ҳақида ёзсам, сўйласам, катта бир китобга сиғмайди, дўстим. Дунё шеъриятининг улкан намояндаси Ҳалима Худойбердиева 1991 йили чоп этилган “Соғинч соҳили” деб номланган китобимга оқ йўл ёзиб берганида, ишонинг, осмонларда учиб юрганман. 1994 йили “Кўнгил қушлари”м босилиб чиқди. 1998 йили Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Кейин эса... тирикчилик, турмуш ташвишлари оғирлик қилди, бадиий ижодни бой бердим, “Шарқ юлдузи”дай қутлуғ даргоҳда саккиз йил улуғ зотларнинг танбеҳу дуоларини олиш насиб этди...”

Хуллас, Инобатнинг қотмаган суяги телевидениеда қотди, қаттиққўл устозларнинг панду насиҳатлари уни катта йўлга олиб чиқди. Вақтнинг югириклигини қаранг, салкам 28 йил тўляпти унинг телевизончилар сафига қўшилганига. Энг гўзал, самимий шеърлари, ажойиб китобларини микрофонга алмаштирган тиниб-тинчимас бу ҳамкасбимни ҳар кўрганда ёзғириб қўяман: “Кеча юртдан қайтдим, ҳамма сўради сизни, бу шаддодгина, сергап қизимиз нималар қилиб юрибди ўзи пойтахти азимда, Китобдан чиққан ижодкорнинг бойлигини биз мошинлар биланмас, балки ёшу қари маза қилиб ўқиб, қувонадиган катта-кичик китоблари билан баҳолаймиз, дейишди”. Инобатнинг узун-узун киприклари намланади шу онда ва секингина “Қалам билан кетмонгина одамга вафо қиларкан дўст, насиб этса, яқин орада қўлингизга “30-уй” деган китобим тегади” деб қўяди...

Бир замонлар телевидениеда намойиш этилган “Юрт ҳақида қўшиқ” кўрсатувини Инобат жўшиб, ёниб тайёрларди. Унинг қаҳрамонлари ҳақиқий фидойи одамлар эди. Бугун кўпчилик орасида Инобат Нормуродова ҳақида сўз очилса, парламент ҳаётини энг кўп ва узоқ вақтдан бери маҳорат билан ёритиб келаётган жонкуяр журналист, деган муносиб баҳони эшитамиз. Рости шундай. Чунки телевидение жуда улкан синов майдони. Элбек Мусаев, Турсун Қоратоев, Ўрол Ўтаев, Тамара Маҳкамова, Лола Ҳотамова, Қобилбек Каримбеков, Севара Турсунова, Қуддус Аъзам, Фарҳод Бобожонов, Абдумўмин Ўтбосаров, Дилором Умарова, Асрор Аброрхўжаев, Бобур Алихонов, Гулнора Маҳкамова, Муаттар Асқарова, Назар Эшонқул, Ҳакимжон Соатов, Рўзибой Қўлдошев... санайверсак, юздан ошадиган бундай табаррук инсонларнинг номлари бугун телевидение тарихида зарҳал номлар билан ёзилажагига шубҳамиз йўқ. Насиб этса бу рўйхатга мен бугун фахру ифтихор билан тилга олаётган таниқли ижодкор, сиёсий шарҳловчи Инобат Нормуродванинг ҳам киришига ишонгим келади.

Нор ҚОБИЛ

26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

У туфайли инсоният не-не оғриқларни бошдан кечирмоқда, қанчадан-қанча ёшлар салоҳияти ва саломатлигини бой бермоқда, оилалар пароканда, фарзандлар етим бўлмоқда, ота-оналар жигаргўшаларини бевақт тупроққа қўймоқда.

Унинг касрига чиройли орзу-ниятлар билан янги турмуш остонасини ҳатлаган келинчак сал ўтмай оиласини тарк этишга мажбур бўлмоқда, майиб-мажруҳ гўдаклар дунёга келмоқда, разилликларга қўл урилмоқда. У ўз номи билан балодир, офатдир.



Кўплаб бахтсизликларнинг олди олинди

Гиёҳвандликнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида зарур ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Тегишли идоралар унга қарши тинимсиз кураш олиб боради. Шунга қарамай, афсуски, чиркин мақсадлари йўлида оғуфурушлик билан шуғулланаётган, шу истакда гиёҳвандлик воситаларини турли йўллар билан юртимизга олиб киришга уринаётган нобакорлар учраб туради.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2018 йили суд органлари томонидан гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига оид 2 876 та (2017 йили 3 116 та) жиноят иши кўриб чиқилган ва 3 691 (2017 йили 4 889) нафар шахсга нисбатан жазо тайинланган. Анъанавий тажрибага мувофиқ, судда ашёвий далил сифатида мусодара этилган гиёҳвандлик воситалари ҳукмлар қонуний кучга киргач, махсус ўчоқларда ёқиб юборилади.

Куни кеча Давлат хавфсизлик хизмати бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралар билан ҳамкорликда навбатдаги ана шундай гиёҳвандлик моддаларини йўқ қилиш тадбирини ўтказди. Ушбу анжуман 26 июнь санасида нишонланадиган Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш кунига бағишланди.

Даставвал хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва журналистлар иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. Мутахассислар гиёҳванд моддалари тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

– Бугунги тадбирда жами 1 тонна 27 килограм 911 грамм гиёҳвандлик моддалари (жумладан, 7 килограмдан зиёд героин, 195 килограмдан зиёд опий, 557 килограмдан ортиқ марихуана ва бошқа воситалар) ёқишга тайёрланди, – деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Олим Нарзуллаев. – Бу билан минглаб оилаларимизни нохуш вазиятдан ҳимоялаган, миллионлаб фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумот беришича, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, гиёҳванд моддалар истеъмоли натижасида касалликка чалинган беморлар сони 6,1 минг нафарни ташкил этган. Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази билдиришича, 2018 йили психофаол моддалар истеъмоли сабабли ўткир заҳарланиш натижасида 2 мингдан зиёд беморга махсус ёрдам кўрсатилган.

Тадбир иштирокчилари "Тошрангметзавод" заводи ўчоқларида заҳри қотилни ёқиш жараёнига гувоҳ бўлишди. Журналистларга гиёҳвандлик моддалари ҳақиқийлиги ва хусусиятлари намойиш этилди. Бир тоннадан зиёд оғу қозонхонага ташланар экан, улкан алангa ўчоққа сиғмай ташқарига, юқорига ўрлади, мусаффо осмон кўринмай қолди гўё. Ундан ҳосил бўлган қоп-қора тутунни кузатиб туриб кунни кун, тунни тун демай мазкур иллатга қарши курашга бел боғлаган, ўз жонини хатарга қўйиб хизмат вазифасини сидқидилдан ўтаётган ҳамкасбларимизга ташаккур дегим келди. Ахир, вақтида олди олинмаса, бу тутунлар қанчадан-қанча оилаларнинг ҳаётини булғар эди-да!

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

Форум

Истак бўлса, имкон топилади

Ҳарбий хизматчилар оила аъзолари орасида тадбиркорликка қўл ураётганлар тобора кўпаймоқда

Қуролли кучлар академиясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида "Ҳарбийларнинг оилаларини тадбиркорликка йўналтириш – иқтисодий муваффақият пойдевори" мавзуида республика тадбиркор хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар, аввало, мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар учун барча зарур шарт-шароит яратилаётганини алоҳида қайд этдилар.

Эътиборлиси, кейинги йилларда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини тадбиркорликка жалб қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври давомида 77 нафар хотин-қиз ўз бизнесини йўлга қўйди. Бунда тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан кўмак берилгани эътиборга молик. Шунингдек, 166 нафар аёл доимий ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорликка қўл урган ҳар қандай одам, албатта, маблаққа кучли эҳтиёж сезади. Бинобарин, бизнесини бошлаган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун тегишли банклар томонидан 8 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилаётир. Тизимли саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган вақт давомида 214 нафар хотин-қиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оила даромадига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. 7 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчининг оила аъзолари иш билан таъминланди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган ушбу тадбирда бир қанча мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мудофаа вазирлигининг
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар департаменти

Реклама ҳуқуқида

Уйлар муборак бўлсин!

Юртимизда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган замонавий уйлар шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасига ранг-баранглик бағишлаяпти. Бу ўзгаришларнинг тагзамирида эса аввало соҳага оид муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ётади. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 октябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Ўзшаҳарқурилишинвест" инжиниринг компанияси фаолият юритмоқда. Айни компания саъй-ҳаракати билан республикамизнинг турли ҳудудларида шаҳарсозлик нормалари талаблари асосида аҳолига арзон, кўп квартирали уйлар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Суратда: (ўнгдан) Фарғона вилояти бўйича маркетинг бўлими бошлиғи Қосимжон Абдураҳмонов, бригадир Ҳасанбой Яхшибоев, иш юритувчи Маҳмуджон Нишонов ва техник назоратчи Ўктам Пирматов.

2018 йилда Фарғона вилоятида 20 та кўп квартирали хонадонлар қад кўтарди. Биргина Қўқон шаҳрининг Фитрат кўчасида 10 та 5 қаватли, 45 хонадондан иборат сифатли, шинам, арзон уйлар битказилиб, эгаларига топширилди. Иншоотларни "SanJam invest" ва "Марғилон ихтисослаштирилган таъмир-қурилиш" хусусий корхоналари қурувчилари намунавий лойиҳалар асосида, замонавий услуб ва инновацион технологияларни қўллаган ҳолда ниҳоясига етказишган.

Жорий йилдаги дастурга мувофиқ Фарғона шаҳрининг Мустақиллик кўчасида ҳам айни шу типдаги уйлар қуриляпти. Ушбу 378 хонадонга мўлжалланган 9 та 7 қаватли уй-жойда ҳозирги вақтда том ёпиш юмушлари якунланиб, пардозлаш ишлари кетмоқда. Шундан 6 та 7 қаватли бинолар қурилишини Муҳаммадаюбхон Қиличхонов бошчилигидаги "Марғилон ихтисослаштирилган таъмир-қурилиш" хусусий корхонаси бинокорлари архитектура қурилиш меъёрларига тўла амал қилган ҳолда олиб бормоқда. Жамоага 200 нафардан ошиқ қурувчилар жалб этилиб, бунёдкорлик ишларида меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилинмоқда. Уста-бинокорлар икки маҳал иссиқ овқат ва махсус кийимбош билан таъминланган.

– 3 та 2-3 хонали 42 хонадондан иборат 7 қаватли иншоот эса "SanJam invest" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари зиммасида, – дейди қурилиш лойиҳалари техник назоратини олиб борувчи муҳандис Ўктам Пирматов. – Хонадонлар арзон, камхарж, сифатли, энг муҳими, ишлатилаётган воситалар туфайли уй ичида иссиқлик сақланади. Ҳар бир хонадон иссиқ сув ва иситиш ускунаси, ошхона мебели ҳамда газ плитаси билан жиҳозланган. Шунингдек, сўнгги русумдаги лифт ҳам ўрнатилади.

Қувасой тумани Пакана маҳалласида 2 та 5 қаватли 45 хонадонли, Ёшлик маҳалласида эса 3 та 5 қаватли уй-жой қурилиши авжида. Айни дамда хоналар жиҳозланиб, ташқи канализация ва коммуникация ишлари якунига етяпти. Бу ерда бош пудратчи Дониёр Мирзаев раҳбарлигидаги "Қилич Бунёд" масъулияти чекланган жамияти ва пудратчи "Нодир бунёд" МЧЖ жамоаси меҳнат қилаётир.

Шунингдек, "Ўзшаҳарқурилишинвест" инжиниринг компанияси буюртмасига биноан Андижон шаҳри Ўзбегим маҳалласида 2 та 80 хонадондан иборат 16 қаватли уй-жой бунёд этиляпти. Ҳудудда Туркия технологиялари тажрибасини қўллаб, яъни монолит усулда Отабек Мадазимов раҳбарлигидаги "Хокан авто инвест" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари жавлон уришмоқда. Дарвоқе, мазкур корхона ўтган йили 14 та 7 қаватли, 588 хонадонли уй-жойни эгалари диди даражасида қуриб, эл олқишини олганди. Жорий йилга режалаштирилган 12 та 7 қаватли, жами 504 хонадонли уй-жой қурилиши ҳам ўз маромида кетяпти. Ҳозирги кунда ғишт териш ишлари якунланиб, том ёпиш аллақачон бошлаб юборилган.

Наманган шаҳрининг Юксалиш маҳалласида ўтган даврда 14 та 7 қаватли, 588 хонадонли уй-жой қурилиб, эгаларига топширилган эди. Ушбу уйлар ҳар бири 2 йўлакли (подъезд) 42 хонадондан иборат.

2019 йилдаги дастурга биноан мазкур маҳаллада худди шундай – 14 та 7 қаватли, жами 588 та хонадондан иборат янги уйлар кўтариляпти. Бу лойиҳадаги 7 та 7 қаватли уйни қурилиш соҳасида кўп йиллик самарали меҳнати билан шуҳрат қозонган моҳир бинокор Собир Абдуазизов бошлиқ "Дегрез қурилиш савдо саноат сервис" хусусий корхонаси қурувчилари битказишяпти. Қолган 7 та 7 қаватли, ҳар бири 10,7 миллиард сўмлик уй-жой эса Исаюкон Самиев раҳбарлигидаги "Янгиқўрғон сервис қурувчи" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари зиммасига тушган. Айни пайтда барча уйларда ички пардозлаш ишлари тугалланиб, болалар ўйингоҳи, маиший чиқиндихона, кириш йўллар замонавий кўринишга келтириляпти.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

КОЛЛЕКТИВ МНОГОПРОФИЛЬНОЙ КЛИНИКИ ДОКТОРА МАКСУДОВОЙ – “DMC”

Поздравляем всех журналистов с профессиональным праздником!

Желаем крепкого здоровья, благополучия и позитивных новостей!

“DMC” – ЭТО КЛИНИКА С ШИРОКИМ СПЕКТРОМ АМБУЛАТОРНО-СТАЦИОНАРНЫХ, ХИРУРГИЧЕСКИХ УСЛУГ С РЕАБИЛИТАЦИОННОЙ И СТАЦИОНАРНОЙ ПОМОЩЬЮ.

Клиника оснащена современным диагностическим, оперативным, реабилитационным и лабораторным оборудованием ведущих мировых производителей из Европы, США и Японии.

Одним из главных направлений нашей клиники является офтальмология. В клинике “DMC” Доктора Максудовой проводят комплексное обследование пациента и постановку диагноза высококвалифицированными специалистами, с учетом индивидуального подхода и проведения хирургического или консервативного лечения.

В клинике доктора Максудовой особое внимание уделено ортопедии и нейрохирургии. Благодаря высококвалифицированным специалистам, прошедшим обучение за рубежом, а так же, современному оборудованию в клинике с успехом проводится диагностика и лечение заболеваний опорно-двигательного аппарата.

Комплексная реабилитация в DMC clinic – это восстановление пациентов после травмы, операций опорно-двигательного аппарата, а также пациентов с различными заболеваниями нервной системы, включая последствия перенесённого инсульта, черепно-мозговых травм.

Кинезитерапия в DM clinic – это специально разработанный комплекс упражнений на многофункциональных тренажерах с эффектом антигравитации.

Инновационные методы физиотерапии: высокотоновая терапия “Hitop”, Ударно-волновая терапия, Светотерапия на аппарате Bioptron, первая в Узбекистане бесконтактная гидромассажная ванная Well system medical. Наряду с офтальмологией, клиника специализируется по таким направлениям, как: нейрохирургия, ортопедия (причем все виды консервативного и оперативного лечения), пластическая хирургия, неврология – сомнология, кардиология, стоматология, эндокринология, лор, биофитбек-бос, комплексная реабилитация, УЗИ, рентген и лабораторная диагностика, комфортабельный стационар.

Со стороны руководства страны большое внимание уделяется подготовке кадров в сфере медицины. В клинике доктора Максудовой, с целью подготовки высококлассных специалистов по Международным стандартам, впервые в Средней Азии, с помощью и одобрением нашего Президента, открывается стимуляционный центр обучения по микрохирургии глаза. Обучение будет проводиться на комплексном симуляционном аппарате Eyesi VRMAGIC, производства Германии

Основная цель клиники доктора Максудовой – создать для пациентов наиболее приятную атмосферу пребывания, учитывая их пожелания.







Услуги лицензированы.

ЭЪЛОН

“AUTO AUCTION CENTRE”

масъулияти чекланган жамияти

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган қуйидаги аукцион савдога таклиф этади!

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ахборот тизимлари филиали балансидаги:

2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 703 FAA бўлган “Каптива”, бошланғич баҳоси – 234 970 903 сўм.

“Бекободцемент” акциядорлик жамияти балансидаги:

1. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 936 BAA бўлган “Howo” самосвал, бошланғич баҳоси – 303 806 000 сўм.

2. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 833 EAA бўлган “Howo” самосвал, бошланғич баҳоси – 280 863 000 сўм.

3. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 937 BAA бўлган “Howo” самосвал, бошланғич баҳоси – 280 863 000 сўм.

4. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AA 103 бўлган “CXX-958-1” юк машинаси, бошланғич баҳоси – 221 668 000 сўм.

5. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 630 AA бўлган “Мунис – 200 CC” моторроллер, бошланғич баҳоси – 13 263 000 сўм.

6. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 631 AA бўлган “Мунис – 200 CC” моторроллер, бошланғич баҳоси – 13 303 000 сўм.

7. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 632 BAA бўлган “Мунис –200 CC” моторроллер, бошланғич баҳоси – 13 344 000 сўм.

8. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AA 088 бўлган “Т – 150” трактор, бошланғич баҳоси – 23 547 000 сўм.

9. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 952 AA бўлган “Одаз – 9370” полуприцеп, бошланғич баҳоси – 34 755 000 сўм.

10. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 832 BAA бўлган “Маз – 555102” самосвал, бошланғич баҳоси – 59 804 000 сўм.

11. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 841 BAA бўлган “Маз – 555102” самосвал, бошланғич баҳоси – 53 670 000 сўм.

12. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 527 HAA бўлган “Камаз” тягач, бошланғич баҳоси – 63 223 000 сўм.

13. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 403 LAA бўлган “Камаз” бортовой, бошланғич баҳоси – 41 994 000 сўм.

14. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 534 HAA бўлган “Дамас”, бошланғич баҳоси – 28 182 000 сўм.

15. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 597 HAA бўлган “Краз – 65055” самосвал, бошланғич баҳоси – 51 484 000 сўм.

16. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 599 HAA бўлган “Краз – 65055” самосвал, бошланғич баҳоси – 51 544 000 сўм.

17. 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 940 BAA бўлган “Камаз – 5511” самосвал, бошланғич баҳоси – 71 156 000 сўм.

18. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 512 HAA бўлган “Газ – 53” ассенизатор, бошланғич баҳоси – 22 834 000 сўм.

19. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 977 BAA бўлган “Шевроле Нива 21230”, бошланғич баҳоси – 36 779 000 сўм.

20. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 981 DAA бўлган “Ласетти”, бошланғич баҳоси – 51 343 000 сўм.

21. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 812 TAA бўлган “Ласетти”, бошланғич баҳоси – 49 048 000 сўм.

22. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 044 BAA бўлган “Ласетти”, бошланғич баҳоси – 48 905 000 сўм.

23. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 805 BAA бўлган “Ласетти”, бошланғич баҳоси – 46 735 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 26 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2019 йил 25 июль куни соат 12:00 да тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахса 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “AUTO AUCTION CENTRE” МЧЖнинг АИТБ “IPAK YO‘LI BANK” Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: **20208000300950272001, МФО:01101, СТИР:305901464**

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:

Тошкент шаҳри
Миробод тумани
Авлиё ота кўчаси 13 уй.

Мурожаат учун телефон:
(71) 252-55-10.

Гувоҳнома № 656179.

Анжуман

Бунёдкорликка йўналтирилаётган миллиардлар

Куни кеча Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишбанк – бунёдкорлик ишларига камарбаста” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Банк мутасаддилари томонидан қайд этилганидек, Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра “Ўзсаноатқурилишбанк” Қорақалпоғистон Республикасида давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим муассасалари қурилишини молиялаштиришга масъул ҳисобланади. Қарор асосида тасдиқланган манзилли рўйхатга мувофиқ мазкур банк кўмагида Қорақалпоғистонда барпо этилиши режалаштирилган 179 та мактабгача таълим муассасасидан 129 таси бўйича уч томонлама битимлар тузилган.

Эътиборлиси, 51 та боғча қурилиши учун банкка Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш жамғармаси томонидан 120 миллиард сўм, 13 та боғча бунёд этилиши учун эса Молия вазирлиги томонидан эса 6 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига банк томонидан имтиёзли кредит линиялари очилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари молиялаштирилмоқда. Шу кунгача тегишли ташкилотларга 101 миллиард сўм миқдорида кредит йўналтирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида давлат-хусусий шерикчилиги асосида жами 34 та боғча ишга туширилди. 2019 йил охиригача яна 30 таси фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

Шу йилнинг беш ойида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари ижроси доирасида банкнинг молиявий мадади билан 199 та ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қад ростлади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” кўп қаватли турар жойлар барпо этилишида ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, 41 та кўп қаватли турар жой қурилишини молиялаштириш учун шу йил давомида 237 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратди.

Банкнинг қурилишларни молиялаштириш йўналишидаги фаолиятида юртбошимиз ҳудудларга ташрифларида белгилаган вазифалар алоҳида ўрин тутади. Уларни бажариш учун банк шу кунга қадар 37 та турли объектни барпо этиб, халқ хизматига топширишга эришди.

Мусурмон РЎЗИЕВ

O‘zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши партиянинг Олмалиқ шаҳар Кенгаши раиси Абдурашид Ҳайдаровга укаси **Жаҳонгир Ҳайдаров**нинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТАБРИК

UNG
Shurtan GKM

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ўз истеъдоди, ижоди, ўткир қалами ва сўз қудрати билан матбуотимиз ривожи, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фахрий журналистлар, соҳа фидойилари ҳамда жонкуяр қаламкашларни

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

билан муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, шарафли касбдан унган мўл ризқ ва, албатта, ижодий муваффақиятлар тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган.

ТАБРИК

ASAKA BANK

“Асака” акциядорлик тижорат банки жамоаси

27 июнь –

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ушбу соҳада фаолият юритаётган барча ижодкорларни қутлайди.

Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган фидокорона меҳнатингиз учун сизга ташаккур, азиз дўстлар!

Оилавий тотувлик, сиҳат-саломатлик ҳамиша йўлдошингиз бўлиб қолишига тилакдошмиз.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ТАБРИК

“ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларини касб байрамлари билан чин дилдан қутлайди!

Сизларга сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли фаолиятингизда омад ва ютуқлар, файзу барака тилаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норкобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИД, Адҳам ШОДМОНОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Виктор ПАК, Насимжон АЛИМОВ, Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда **0009**-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: **Г – 658** Тираж: **5832**
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – **22:25**
Топширилди – **01:30**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12 456

Навбатчи муҳаррирлар:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.